ҒЎЗАЛАР СУВГА ҚОНСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 107 (3079). | Жума, 4 июнь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ШИФОКОР

Кўк, қизил, сариқ конвертли мактублар... Турли ерлардан, ҳар хил кишилардан келган мактублар... Миннатдорчилик ҳис-туйғулари изҳор этилган бу мактублар мазмунан деярли бир хил: одамлар ўзларини касалликдан ҳалос этган, меҳнат, оила, шодлик қучоғига қайтарган ўз шифокорларига «мингдан минг раҳмат»лар айтадилар. Ота-онларини, қарин-дош-уруғларини, жажжи болаларини ажал чангалидан қутқазиб қолган ажойиб, мўъжизакор қўл эгаларига энг яхши ниятлар тилайдилар.

Халқимиз орасида «оқ халатли одамлар» деб ном чиқарган, инсонларнинг чексиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган бу кишиларни бир зум кўз олдингизга келтиринг! Изгиринли қор бўронларидан, ёмғирлардан, ёзнинг жазирама иссиғидан, туннинг зиммистонлигидан чўчимайди бу одамлар. Илмий-текшириш лабораторияларида, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, узоқ тоғ яйловларида, олов пуркаб турган чўл йўлларида учратиш мумкин бу одамларни. Улар қаерда бўлмасин, қачон бўлмасин энг олижаноб иш билан — коммунизм қураётган совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини қўриқлаш, касалликларга қарши янги дори-дармонлар топиш, улар мушкулини осон этиш билан банддирлар.

Инсон саломатлиги йўлида меҳнат қилиш нақадар муқаддас бурч. Шунинг учун ҳам чарчаш, қийинчиликлардан чўчиш нима эканлигини билишмайди шифокорларимиз. Улар ҳар доим изланиш, яратиш, ижод билан машғулдирлар. Бедор тунлар, узоқ йўллар, тажриба ва текширишлар зое кетмайди. Изланишлар ажойиб самаралар беради. Бу самаралар эса олам-олам қувонч, қанчадан-қанча одамлар ҳаётини сақлаб колиш демандир. Бу самаралар эртага инсонларга хизмат қилади, умр бахш этади...

Шу кунларда областимиз шаҳарларида 638 врач, 2391 ўрта маланали медицина ходими, қишлоқларда 576 врач, 3463 ўрта малакали медицина ходими меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида иш олиб бормоқдалар. Замонамизнинг такомиллашган медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган даволаш марказлари улар ихтиёрида.

Ҳар соҳанинг ўз машъали бор, дейдилар. Меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишда бошқаларга ўрнак бўлаётган шифокорлар областимизда оз эмас. Бўка районидаги даволаш-санитария бирлашмасининг бошлиғи Зиёд Раҳмонов, Оржоникидзе районидаги Қибрай касалхонасининг бош врачи Энахон Маҳмудова, Олмалиқ шаҳридаги 2-болалар касалхонасининг консультанти Мушарраф Қоражонова, Калинин районидаги «Москва» совхозининг фельдшери Санданбар Сатторов, Оҳангарон поселка касалхонасининг ҳамшираси Елена Бурова сингариларнинг номларини одамлар иззат-эҳтиром билан тилга оладилар. Чунки булар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, жонкуярлиги туфайли ана шундай ҳурмат қозондилар.

Лекин баъзи районларда ва колхоз-совхозларда ўз ишига совуққонлик билан қараётган медицина ходимларини ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Янгийўл, Бекобод, Юқори Чирчиқ районларидаги айрим медицина муассасаларида ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Шу кунларда саноат корхоналаримизда етти йилликнинг сўнгги йилини зафарли якунлаш мақсадида социалистик мусобақа авж олдирилмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришга илғор методларни жорий қилиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Деҳқонларимиз эса 1965 йил мўл ҳосили учун ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Зотан шундай экан, уларнинг соғлигидан, бардамлигидан бехабар қолиб бўладими?! Янада унумли ва самарали меҳнат қилиш учун энг аввало саломатлик керак. Тан соғлиқ— туман бойлик, деб бежиз айтмайди халқимиз.

Совет кишиларининг соғлиги муносиб кишилар, мўъжизакор қўллар ихтиёрига ишониб бериб қўйилган. Моҳир врачларимиз меҳнаткашлар хизматида ҳар доим ҳозиру-нозирлар. Уларга меҳрибонларча ғамхўрлик қиладилар, соғ-саломат ишлашлари учун шароитлар яратиб берадилар. Чунки бу вазифалар шифокорларимизнинг КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган бевосита вазифасидир.

Инсон саломатлиги йўлида хизмат қилиш — энг юксак бурч. Инсонлар ҳурматига сазовор бўлиш катта шараф. Бизларнинг билимдон, меҳрибон ва тажрибали медицина ходимларимиз — оташ қалб шифокорларимиз эса ҳақли равишда ана шу таҳсинга сазовордирлар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ АҲВОЛИНИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети шуни қайд қиладики, сўнгги кунларда ғўзани парвариш қилишга эътибор бирмунча сусайиб кетди. Бу нарса кўпчилик колхоз ва совхозларда бегона ўтларнинг кўпайиши, қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг тарқалиши, сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, ғўзани озиқлантириш ва суғориш ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда кечикишга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бундай қолоқликка барҳам бериш юзасидан ўз вақтида зарур тадбирлар белгиламадилар ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1965 йил учун олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини амалда назорат қилиб туришни таъминламадилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети июнь ойининг иккинчи ярмида мусобақадош областлар ўртасида ғўза парваришининг аҳволини ўзаро текширишдан ўтказишни зарур деб ҳисоблайди.

Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига область ва районлардаги ўзаро текшириш якунларини колхозчилар, совхоз ишчилари, партия, совет, касаба союз ва комсомол активининг кенг иштироки билан муҳокама қилишни ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги министрликлари, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари зиммасига ғўза парваришининг бориши юзасидан ўзаро текшириш пайтида аниқланган камчиликларни тездан бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар кўриш вазифасини юклади.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, НОРВЕГИЯЛИК МЕҲМОНЛАР!

ЭЙНАР ГЕРХАРДСЕН ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ватанимизнинг Шимолдаги қўшниси, узоқ Норвегия халқига нисбатан совет кишилари дўстлик ва чуқур ҳурмат ҳисларини билдирмоқдалар. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Совет ҳукуматининг таклифга биноан СССРда меҳмон бўлиб турган Норвегия ҳукуматининг бошлиғи Эйнар Герхардсенни 3 июнь куни кутиб олар эканлар, ана шу ҳис-туйғуларни янги куч билан изҳор қилдилар.

Юстиция министри О. К. Гундерсен рафиқаси билан, Норвегиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ф. Х. Якобсен рафиқаси билан. Бош Министр канцелярияси бўлимининг бошлиғи А. Андерсен, Норвегия Ташқи ишлар министрлиги сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. Гравер, Норвегия Ташқи ишлар министрлиги бешинчи сиёсий бўлимининг бошлиғи П. Скойен ва норвегиялик бошқа расмий кишилар, шунингдек, бир группа норвег журналистлари Э. Герхардсен ва унинг рафиқаси билан бирга Тошкентга келишди.

Норвегия Бош Министрининг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида СССР министри Н. К. Байбаков, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Л. Орлов, Совет Иттифоқининг Норвегиядаги элчиси Н. М. Луньков, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари А. В. Захаров, Ф. Ф. Молочков унга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Норвегия, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэродромида республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов ҳамда республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, жамоатчилик вакиллари, журналистлар ҳурматли меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини шодиёна кутиб олдилар. Болалар меҳмонларга гулдасталар тутдилар.

* * *

Норвегия ҳукуматининг бошлиғи Э. Герхардсен Тошкентга келганидан сўнг бир оз вақт ўтгач Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов ҳузурида бўлди.

Визит вақтида дўстона суҳбат бўлди. Суҳбатда Норвегия ва Совет давлат арбоблари қатнашдилар.

Шу куннёқ Эйнар Герхардсен Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова ҳузурида бўлди. Визит вақтида республиканинг раҳбар ходимлари ва Бош Министрнинг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлиб юрган совет расмий кишилари Норвегия давлат арбоблари билан бирга бўлдилар.

Ё. С. Насриддинова билан Э. Герхардсен ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлди.

(ЎзТАГ).

Урта Чирчиқ районидаги Тереш кова номли колхоз пахтакорлари шу кунларда зўр ғайрат билан ишлаб, ғўзаларни сифатли парвариш қилмоқдалар. Комплекс механизация лашган звенолар даласида бўлсангиз, барқ уриб ўсаётган, текис шо налаган ғўзаларни кўрасиз. Қатор ларда битта ҳам бегона ўт кўринмайди. Пахтакорлар бегона ўт ғўзанинг душмани, деб уни таг-томи рн билан қуритмоқдалар. Суратда: колхоз раиси Умри Ҳасанова ва механизатор-звено бошлиғи Саидаҳмад Усмонов ўртоқлар иккинчи марта культивациядан чиққан ғўзаларини қўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СУВДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети таъкидлайдиларки, бу йил экинларнинг ўсиш даврида сув нормадагидан анча кам бўлиши кутилади. Экинларни сув билан таъминлаш соҳасида хавф юз берганлигига қарамай, айрим ведомстволар, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, колхоз ва совхозлар сув камчиллиги ва барҳам бериш билан боғлиқ бўлган тадбирларни тўла амалга оширмадилар. Ўзларига қарашли маҳаллий органларнинг эътиборини қўшимча сув манбаларини қидириб топиш ва сувдан имкони борича тежаб-тергаб фойдаланиш, сувнинг ҳар бир кубометрини эҳтиёт қилиш ва тупроқдаги намни узоқроқ сақлаб қолишга қаратмаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва ведомстволари, шунингдек, область ва район ташкилотларига 1965 йилда экинларнинг ўсиш даврида уларни сув билан таъминлашни яхшилаш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йил 9 февралда қабул қилган қарорида назарда тутилган тадбирларни тўла амалга ошириш зарурлигини кўрсатдилар.

Сув хўжалиги министрлигига стационар ва мавсумий насос станцияларини ўз вақтида ишга тушириш, уларнинг нормал ишлашини таъминлаш таклиф этилди.

Қишлоқ хўжалик ва Сув хўжалиги министрликларига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига республиканинг ҳар бир хўжалигидаги аҳвол билан танишиб чиқиш ва сувдан тежаб-тергаб ҳамда кўп манфаат кўрган ҳолда фойдаланиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Республикада сув камчил бўлган ва ундан районлараро ва хўжаликлараро сув обороти (сувдан навбати билан фойдаланиш) соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, бригадалар, колхозлар, совхозлар ва районлар ўртасида 1965 йилда сув обороти тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Сув камчил бўлган районлардаги колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига бригадалараро сув обороти планларини 5 июндан кечиктирмай ишлаб чиқиш ва суғориш тармоқларини гидрометрик постлар билан таъминлашда амалий ёрдам бериш лозим.

Сув оборотини амалга оширганда ҳар бир бригадада, айниқса, экин суғорилгандан кейин ерни ишлаш соҳасидаги ишларнинг ҳажми кўп даражада ортиши муносабати билан колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига зарур бўлганда бир неча бригаданинг ишчи кучи ва техникасини экин майдонларини суғориш учун ўз вақтида тайёрлаш, экинни суғориш ва суғоришдан кейин ҳар бир бригаданинг ерини ишлаш мақсадида бирлаштириш тавсия этилди.

Ғўза ер участкалари суғоришга синчиклаб тайёрланганидан кейин экиннинг талаби қатъий ҳисобга олинган ҳолда суғорилиши ва бунда етарли миқдорда ўқариқлар бўлиши, ернинг қиялиги ва тупроқнинг сувни қай даражада шимиши эътиборга олиниши, сув чуқур олинган эгатлар орқали қўйилиши ва сувнинг оқимини тартибга келтириш учун эгатларнинг боши яхши созланган бўлиши керак.

Ғўза ва бошқа чопиқ қиладиган экинларни қўллатиб суғориш қатъиян тақиқланади. Чунки бундай қилиш суғоришни сифатсиз ўтказишга ва сувни жинояткорона талон-тарож қилишга сабаб бўлади.

Сув камчил бўлган шароитда тупроқда намни сақлаш ва унинг устки қисми юмшоқ ҳамда донадор бўлиши алоҳида аҳамиятга эгаллигини назарда тутиб, экинларни ўз вақтида ўтоқ қилиш ва кўндалангига трактор культивацияси ўтказиш, ернинг ўтиб кетишига ҳамда экинни бегона ўт босишига сира йўл қўймаслик керак.

Тупроғи ҳамма ерда баравар етилмайдиган участкаларда, айниқса, катта майдонларда трактор культивацияси олдидан танлаб от культивацияси ўтказиш тавсия этилади.

Ҳар бир бригадада сувни фақат эгатлар орқали қўйиш техникасини биладиган сувчиларнинг доимий группасини ташкил қилиш, уларнинг сони экинни кеча-кундуз давомида тўхтовсиз суғориш ва хўжаликка келаётган сувдан юксак унум билан фойдаланишни таъминлайдиган даражада бўлиши таклиф этилди. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари колхоз ва совхозларга сувчи кадрларни танлашда ёрдам беришлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органлари зиммасига Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида сувчиларнинг ролини, масъулиятини ва моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида» 1964 йил 9 июнда қабул қилган қарорини колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига тушунтириш мажбуриятини юкладилар.

Тушунтириш ишларини ўтказганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча колхоз ва совхозларда экинларни кундузи ва кечаси суғориш вақтида тупроқ, рельеф, сув қўйиладиган эгатларнинг узун-қисқалиги ва бошқа шароитларни ҳисобга олиб, суғоришнинг табақалаштирилган нормаларини қўлланиш, сувчиларнинг меҳнатига 6-разрядли тариф бўйича ҳақ тўлаш, бунда уларнинг классини ва «Ғўзани суғориш устаси» значоги бор-йўқлигини ҳисобга олиш зарур. Экинни белгиланган вақтда юқори сифатли қилиб суғорганлик ва сувдан тежаб фойдаланганлик учун сувчиларга суғориш мавсуми учун белгиланган ишбай ҳақнинг бир ярим ойлиги миқдоригача мукофот бериш керак.

Қишлоқ хўжалик министрлигига суғоришда алоҳида намуна кўрсатган сувчиларга «Ғўзани суғориш устаси» значоклари бериш топширилди.

Қишлоқ хўжалик ва Сув хўжалиги министрликлари, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети области ва район ижроия комитетларига суғориш системаларида қаттиқ давлат интизоми ўрнатиш ва сувни талон-тарож қилиш ҳамда ундан хўжасизларча фойдаланишга йўл қўймаслик таклиф этилди.

Хўжаликларга сув бериш учун масъулият Сув хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органларига, хўжаликларда сувдан фойдаланиш учун жавобгарлик эса колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари зиммасига юклатилди. Сувни тақсимлаш масаласига аралашиш сув хўжалиги органларидан ташқари бошқа барча ташкилотлар ва кишиларга ман этилди.

Республика Сув хўжалиги министрлиги ва унинг маҳаллий органларига қуйидагилар топширилди:

районларга, колхоз ва совхозларга ажратиладиган сувни қаттиқ ҳисобга олиш, уни суғориш каналларининг охирида жойлашган хўжаликларга етказиб бериш устидан алоҳида контроллик ўрнатиш;

барча суғориш системаларидаги каналлар, гидротехника иншоотлари иши устидан, сувни тақсимлаш устидан кеча-кундуз назорат қилиб бориш ва бунинг учун ходимлар ажратиш;

асосий эътиборни сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга, сувчиларнинг ишини, айниқса, кечаси тўғри ташкил қилишга, сувчиларга суғорган майдони, суғоришнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўлашга, экинларни суғоргандан кейин ўз вақтида парвариш қилишга қаратиш;

колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига экинларнинг чанқаб қолишига йўл қўймасликда ёрдам бериш, суғоришни тўғри ўтказиш юзасидан районлар ва хўжаликларда қисқа муддатли семинарлар ва амалий кўргазмалар ўтказиш.

«Ўзбекбирлашув» правлениесига сувчиларга бериш учун колхоз ва совхозларга чироқлар ва резина этиклар сотишни ташкил этиш топширилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакторларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетига сув ресурсларидан тежаб-тергаб ва кўп манфаат кўрган ҳолда фойдаланиш, ҳамда сув камчил бўлган бу йилги шароитда агротехника тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги илғор тажрибани кенг оммалаштириш топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, агрономлар, ирригаторлар, механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларини сувдан энг кўп тежаб фойдаланишга, илғор агротехника усулларини тўғри ва ўз вақтида қўлланишга, парвариш ва озиқлантиришнинг суғориш билан қатъий боғлаб олиб боришга чақирадилар.

ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1965 ЙИЛ 3 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунлик	Мавсум бошидан бери
Калинин	10,4	65,7
Оржоникидзе	7,1	52,5
Бекобод	12,7	40,8
Оққўрғон	11,5	31,1
Бўка	9,6	31,0
Ўрта Чирчиқ	8,3	25,1
Янгийўл	8,2	20,3
Юқори Чирчиқ	3,5	4,6
Область бўйича:	8,9	37,7

МАҚСАД-40 ЦЕНТНЕР

Шу кеча-кундузда куздаги мўл «оқ олтин» хирмонини қўзлаб самарали меҳнат қилаётган асл деҳқонлар ҳар туп ғўзада кўплаб шона бўлиши учун курашмоқда. Бунинг учун улар культивация билан сув қўйишни обн-тобида ўтказмоқдалар. Ана шундай ишбилармон деҳқонлар орасида Янгийўлдаги Охунбобоев номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган механизатор ўртоқ Турсуной Раимова бошчилик қилаётган участкаси аъзолари ҳам бор. Участка бошлиғи тиниб-тинчимайдиган механизаторлардан. У деҳқончилик илмини, техниканинг тилини яхши билади. Участка аъзолари ҳам пахтачилик соҳасида бошлиқларидан қолишмайдилар. Улар бир-бирлари билан бамаслаҳат иш тутишади, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишади. Ана шунинг учун ҳам участка далаларидан йил сайин баракали хирмон кўтариб келиняпти.

Бу йил деҳқонлар дала ишларига анча барвақт киришишди. Обн-тобида экилган, тупроқнинг ўз намига ундириб олинган чигитнинг ғўзаси ҳозир чинбарларини тобора кўпайтирмоқда.

— «Бегона ўт ўз номи билан бегона» дейишади асл деҳқонлар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бегона ўт ҳосилнинг душмани. Шунинг учун ҳам бизнинг пахтакорларимиз бегона ўтларни томири билан йўқ қилиб ташлашга алоҳида эътибор беришади, — дейди Турсуной Раимова. — Ортиқча кўчат — бегона ўтдан ҳам ёмон. Баъзибир ўртоқлар «кўчатим кўп бўлсин» деб, яганалаш пайтида уларда ҳаддан ташқари кўп кўчат қолдирадилар. Натижада кўчатлар қисилиб, нимжон бўлиб ўсади. Биз ана шунга йўл қўймаслик учун ишни бошидан пухта ташкил этдик.

Участка деҳқонлари ғўза ниҳолларини иккинчи бор комплекс парвариш қилишни ҳам тугаллай деб қолдилар. Азамат механизаторлардан Тўра Умиров ва Юсуфаҳмад Эргашев ўртоқлар сифатли культивация қилишда бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда. Иш жадал кетиши учун участка бошлиғи Турсуной-нинг ўзи ҳам агрегат рулини бошқараяпти. У ҳар куни 5-6 гектар майдондаги ғўзани культивация қилмоқда.

Етти йилликнинг сўнгги йилида гектарига пландаги 35 центнер ўрнига камида 40 центнердан «оқ олтин» етказиб беришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйган бу участка пахтакорлари ғўзаларини барвақт шоналатиб олиш харакатидалар.

— Т. АБДУКАРИМОВ.

Хирмон тахтаси

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети давлатга пилла сотиш топшириғини бажарганликлари учун қуйидагиларни область «Ҳурмат тахтаси»га ёзишга қарор қилдилар:

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Генерал С. Раҳимов номли колхоз (раиси **М. Маъмуров**, партия ташкилотининг секретари **Қ. Латипов**, агротехник **Т. Турсунова** ўртоқлар). Бу колхоз пландаги 8900 килограмм ўрнига 9558 килограмм пилла топшириб, йиллик планни 107,4 процент бажарган. Колхозда пилла топшириш давом этмоқда.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Партия XXII съезди» колхози (раиси **А. Назаралиев**, партия ташкилотининг секретари **О. Эрхўжаев** ўртоқлар). Бу колхоз 4800 килограмм ўрнига 5086 килограмм пилла топшириб, йиллик планни 105,8 процент бажарган. Пилла топшириш давом этмоқда.

Киров номли колхоз (раиси **И. Ҳошимов**, партия ташкилотининг секретари **А. Абилов** ўртоқлар). Бу колхоз пландаги 13 минг килограмм ўрнига 13300 килограмм пилла сотиб, йиллик планни 102,1 процент бажарган. Колхозда пилла топшириш давом этмоқда.

САМИМИЙ ИСТАК БИЛДИРИЛГАН МАКТУБ

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг ташаббуси билан Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханой шаҳрида барча қитъалардаги ишчилар синфи вакиллари касаба союз конференциясининг чақирилиши, дейилади мактубда, вьетнам халқининг америка интервенциясига қарши олиб бораётган ҳаққоний кураши билан жаҳон пролетариатининг бирдамлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини ёрқин намойиш қилади. Барча совет кишилари, деб таъкидлайди КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, Америка империалистларининг Вьетнамдаги разил босқинчилик урушини қатъиян қоралямоқдалар. АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияси тўхтатилсин, америка қўшинлари ва қурол-яроғлари Жанубий Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетилсин ,вьетнам халқига ўз ишларини ўзи ҳал этиши учун имконият берилсин, деб қаттиқ талаб қилмоқдалар.

Америка агрессорлари, дейилади яна Л. И. Брежневнинг мактубида, вьетнам тупроғидан муқаррар ҳайдаб чиқарилади. Иккинчи халқаро касаба союз конференцияси вьетнам халқининг адолатли курашига муҳим ҳисса қўшади. Биз конференциянинг иши пролетар бирлиги, ўртоқларча бирдамлик руҳида, умумий ишимиз тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш руҳида ўтади, деб умид қиламиз. Бу — вьетнам халқининг туб манфаатларига, Жанубий Вьетнамни америка интервентларидан озод қилиш йўлидаги кураш манфаатларига муносибдир.

Л. И. Брежнев мактубининг охирида конференциянинг ишига катта муваффақиятлар тилади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Янгийўл районидаги авваллари колоқ ҳисобланиб келган «Интернационал» колхози кейинги икки йил мобайнида анча қаддини ростлаб олди. Хўжаликнинг ўтган йилги ютуқлари бирмунча самарали бўлди. Пахта етиштириш давлат плани 12 процент ортиғи билан адо этилди. Ҳосилдорлик ошди. Колхозчиларнинг моддий фаровонлиги янада яхшиланди. Элликка яқин ҳонадон колхоз қуриб берган янги, шинам иморатларга кўчиб кирди.

— КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари колхозчиларимизнинг реал даромадларини янада ошириш режаларини тузиб берди, — дейди колхоз раиси Кибор Мамедов. — Партиямизнинг бу улуғ ғамхўрлигидан бениҳоя қувонган деҳқонларимиз бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишмоқда.

Далада ишлаётган деҳқонларнинг кўтаринки руҳи раиснинг сўзлари ҳақ эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳамма участкаларда меҳнат симфонияси жаранглайди. Барқ уриб ўсаётган яшил квадратлар кўзни қувнатади.

Раис колхознинг бу йилги режалари ҳақида мароқ билан сўзлайди. Суҳбат мавзуи оммавий-тарбиявий ишлар, колхозчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари устида тўхтаганда раис партқомнинг йўқлигини айтди.

— Ҳа, дарвоқе мана комсомол ташкилотининг секретари Тошболта Қуролбоев ҳам келиб қолди, танишинг, — деди раис ва «комсомол ёшларнинг иши ҳақида гапириб бер» дегандай комсоргга ишора қилди.

— Колхозимизда 38 комсомол аъзоси бор, — жавоб берди комсорг, уларнинг ҳаммалари бевосита ишлаб чиқариш билан банд.

— Ёшлар ўзларининг бўш вақтларини қандай ўтказишади?

— Ойига икки марта кўчма кино қўйилиб туради, — деди у жавобидан ўзи ҳам қониқмагандай.

— Яна-чи?

— Яна, — бироз ийманиб давом этди комсомол ташкилотининг секретари, — бадиий ҳаваскорлик тўгараги тузар эдик-ку, чолғу асбобларимиз йўқ.

— Колхозда кутубхона борми?

— Ҳа, бор.

— Ўзингиз кейинги вақтларда кутубхонадан қандай китоб олиб ўқидингиз?

— Мен кутубхонага аъзо эмасман-да...

Комсомол ташкилоти секретарининг нохуш жавобларидан бироз ўнғайсизланган раис далага бошлади бизни.

Мана, 9-звенонинг дала шийпони. Яқиндагина оқланган деворга турли шиорлар ёзиб қўйилибди. Сиртдан қараганда шийпонда маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳамма нарса муҳайёдек. Аммо бу ердан бирорта газета ёки журнал топиш амримаҳол. Шахмат-шашка, жанговар варақа, деворий газета тўғрисида оғиз очмай қўя қолайлик.

— Агитаторлар келиб турадими? — сўраймиз колхозчилардан.

— Яқинда келиб газета ўқиб беруғди, — ноғиқ жавоб қилди звено бошлиғи М. Абдураҳмонов.

— Тахминан, неча кун бўлди шунга?

— Бир ой бўлдимикан, — деди колхозчилардан бири...

Йўл-йўлакай 8-звено дала шийпонида тўхтадик. Бу ерда ҳам аҳвол худди боягидагидек. Деворлардаги шиорларнинг ёзилишидаги жуда оддий орфографик хатолар бу ерга кўпдан бери бирор саводхон агитаторнинг келмаганидан дарак бериб турибди. Газета-журнал бўлмаганига яраша, радио ҳам йўқ. Столбада қаққайиб турган радио карнайи зўрга мингиллайди. Шийпон атрофида на бир туп тол, на бирор туп гул бор.

Қизиғи шундаки, 8-звено агитатори Энадин Биналиев ҳам, 9-звено агитатори Кирмон Шобонов ҳам шу колхозда ишлашади. Шийпон йўлидан ҳафтасига бир неча бор ўтишади-ю, колхозчилар билан суҳбатлашишга вақт тополмайдилар.

Коммунистик партиямизнинг Программасида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш билан бир вақтда янги кишини тарбиялаш вазифаси ҳам қўйилган. Партия комитети, комсомол ташкилотлари бу ишда асосий ролни ўйнаши керак. Янги жамият кишисини тарбиялаб вояга етказиш ҳар бир коммунистнинг жонажон иши ҳисобланади.

«Интернационал» колхозида 64 коммунист, 38 комсомол аъзоси бор. Бу — жуда катта куч. Ҳар бир коммунист, ҳар бир комсомол тарбия иши учун жавобгар. Кишиларнинг сиёсий онгини оширмай туриб, коммунизм қуриб бўлмайди. Буни колхоз партия ташкилотининг секретари Муртазо Шукуров ҳам, колхоз раиси Кибор Мамедов ҳам, барча коммунистлар ҳам жуда яхши тушунишади. Лекин негадир бу ишга колхозда яхши эътибор берилмаяпти. Биз партия сиёсий ўқуви, сиёсий ташкилотчилик ишларининг уюштирилишидаги камчиликлар устида гапираётганмиз йўқ. Бу муҳим соҳага ҳам колхоз партия комитети етарли эътибор бермаётир.

«Интернационал» колхозида оммавий-тарбиявий ишларни яхшилаш учун тўла имконият бор. Хўжалик экономикаси анча яхши. Колхозчилар бадавлат бўлиб қолишган. Фақат ҳамма гап коммунистлар ва колхоз раҳбарларининг ташкилотчилик ишларини идеология ишлари билан узвий равишда боғлаб олиб боришларида қолган. Колхоз партия комитети бу муҳим ишга жиддий эътибор бериши керак.

Ш. ҚОСИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

КАЛИНИН районидаги Ленин номли колхозда колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиш ишлари намунали йўлга қўйилган, клуб меҳнаткашлар билан доим гавжум бўлади.

Клуб ҳузурида яқинда кутубхона очилди. Бу ерда ўқув зали ҳам бор. Кутубхонада колхозчилар газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар, қизиқарли лекция ва суҳбатлар эшитадилар.

Клубда бадиий фильмлар ҳам намойиш қилинади. Бундан ташқари район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросида бериладиган мароқли концертларни шу ерда томоша қилиш мумкин.

Т. ЖЎРАЕВ.

ГУЛОМ ака Каримовни Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози аъзолари жуда ҳурмат қилишади. Бу жонкуяр қалб эгаси хўжаликнинг «Тараққий» участкасида истиқомат қилади. Бу ҳонадон колхозчиларнинг энг севимли жойига айланган. Чунки, ширин сўз, саҳий онланинг шахсий кутубхонаси колхоздаги барча китобхонлар учун хизматга тайёр.

Кутубхона фондида ҳозир 520 дан ортиқ турли адабиёт бор. Колхозчилар улардан бемалол фойдаланишади.

М. ҲАСАНОВ.

ЯНГИЙЎЛ районининг Чиноз маданият уйи коллективи ҳам колхозчилар орасида намунали ишлар олиб бормоқда.

Маданият уйининг ўртоқ Турсун Қодиров бошчилик қилаётган концерт бригадаси «Ленинград», Энгельс номли, «Шарқ юлдузи» каби кўпгина колхозларда 50 га яқин лекция ва суҳбатлар ўтказди, мароқли концертлар кўрсатди.

Й. ЎРИНБОЕВ.

КЎЧМА МЕТОДИК ЙИҒИЛИШ

Мактабларда адабиёт дарси ўқитилишини яхшилаш, ўқувчиларга бериладиган билимларнинг талаблар даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида область ўқитувчилар малакасини ошириш институти Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги адабиёт ўқув методик совети секцияси ва республика педагогика фанлари илмий-текшириш институти тил ва адабиёт секциялари илмий ходимлари ҳамда адабиёт дарсликлари авторларининг иштирокида кўчма илмий методик йиғилиши ўтказди. Йиғилишда область мактабларининг 60 га яқин тажрибали ўқитувчилари иштирок этди.

Йиғилишда республика Педагогика илмий-текшириш институти адабиёт секторининг бошлиғи ўртоқ Асқар Зуннунов «Область мактабларида тил ва адабиёт фанларининг ўқитилиши тўғрисида»ги доклад қилди.

Доклад юзасидан сўзга чиққан ўртоқлар тил ва адабиёт ўқитилишидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда бошланғич синфларда тил ва ўқиш дарсларининг ўқитилишига алоҳида аҳамият бериш, кўргазмали қуроллар сериясларини кўпайтириш, ўқувчиларга стабиллашган дарсликлар яратиш, машъал ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш каби муҳим масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Э. ТУРКМЕНОВ.

МАССИВ ОБОД БЎЛМОҚДА

Пойтахтнинг Оқтепа массивида куй сайин янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Яқинда бу ерда яна бир ҳашаматли бино ошқ-овқат гастрономи фойдаланишга топширилди. Магазинда ҳаридорларга маданий савдо хизмати кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд. Аҳоли магазин хизматидан беҳад хурсанд.

У. МУҲАМЕДОВ.

Семён Дмитриевич Фадин «Ташсельмаш» заводига ишга келганида ёшгина йигитча эди. У шу корхонада ҳунар ўрганди, дўстлари билан ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортди. Меҳнати, хушмуомалалиги учун у оддий ишчидан участка мастери даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозир С. Фадин раҳбарлик қилаётган участка коллективи фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб барчанинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Участкада меҳнат гоят пухта ташкил этилган. Маҳсулот сифати учун барча жавобгар, С. Фадин шулар устидан тинмай назорат қилиб туради. Яқинда ҳукумат-тимиз ўртоқ С. Фадинни олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирлади. Суратда: ўртоқ С. Д. Фадин.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МУҲИМ РЕЗЕРВЛАР

Маълумки, саноат ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, механизация ва автоматика воситаларини жорий қилиш меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам янги техника, прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш кон, металлургия, химия, машинасозлик, бинокорлик материаллари саноатларида оғир, кўп меҳнат талаб этувчи операцияларни енгиллаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш, эскириб қолган ускуналарни янгилари билан алмаштириш ва модернизациялаш энг актуал вазифалардан ҳисобланади.

Областимиздаги саноат корхоналарида сўнгги йилларда бу соҳада анчагина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати, Узбекистон трактор-йиғув заводи, «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш», «Ташавтомаш», «Узбекхиммаш» заводларида замонавий асбоб-ускуналар, ҳатто электроника асосида бошқарилувчи ускуналарнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги қувончли ҳолдир.

Лекин ҳали ҳамма саноат корхоналарида янги техникани жорий этиш қўнгилдагидек бораяпти деб бўлмайди. Улар ўртасида янги техника, прогрессив технологияни ўрганиш бўйича ўзаро алоқаларнинг йўқлиги ҳам бу муҳим ишга путур етказаяпти. Фикримизнинг далили учун истаганча мисол келтириш мумкин. Масалан «Узбекхиммаш» заводида эни 1—1,5 метрлик пўлат тунукаларни хохлаган катталикда қирқувчи қайчи-агрегатлар бор. Пўлат тунукалар оғир бўлганлиги сабабли иш жойига механизмлар ёрдамида олиб келинади. Бир ишчининг ўзи агрегат ёрдамида уларни кеса олади. Худди шундай тунукаларни Тошкент экскаватор заводининг металл конструкцияси цехида ҳам кесиш керак. Лекин бу ерда бир эмас, икки киши ишлайди. Негаки пўлат тунукани агрегатга жойлаштириш учун қўл меҳнатидан фойдаланилади.

Экскаваторсозлар машинасозлар тажрибасини қўллансалар бўлади. Агар корхона раҳбарлари шуни ўрганганларида заводга анчагина нафи тегарди, меҳнат унумдорлиги ошган бўларди. Амалда шундай қилинмади. Бу механизмни ўзлари яратмоқчи бўлишди. Завод ҳузуридаги механизациялаш ва автоматлаштириш бюросининг конструкторлари пўлат тунукаларни ташувчи механизм лойиҳасини бир йил деганда ишлаб чиқдилар. Лекин афсуски, шунча вақт кетганига қарамай механизм ишга яроқсиз бўлиб чиқди. Сўнгра яна икки конструктор ана шу механизмни яратиш устида ишлади. Ҳуллас тунукаларни ташувчи механизм салкам 3 йилда тайёр бўлди. Бунинг учун жуда кўп давлат маблағи сарфланди. Кетган вақтни айтмайсизми?

Завод маъмурияти ва конструкторлик бюроси ана шу механизмнинг чизмасини «Узбекхиммаш» заводидан олганларида эди, ҳам маблағ, ҳам вақт тежалган бўлур эди. Конструкторлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланган бўлардилар.

Бундан бир неча йил аввал шу заводнинг асбобсозлик цехида қирғич, пармалар ва бошқа деталларни ташиш учун автоматик линиянинг лойиҳаси тузиб чиқилган эди. Лекин битганидан кейин унинг кўнгилдагидек тайёрланмаганлиги маълум бўлиб қолди. Шундан сўнг уни қайта тайёрлаш ҳақида конструкторларга ана шу линиянинг бошқача лойиҳасини тузиб чиқиш вазифаси топширилди. Агар лойиҳани тайёрлаш олдидан завод раҳбарлари биргалашиб маслаҳатлашиб олишганида, бундай сансалорлик бўлмас эди.

Худди шу заводнинг конструкторлари механика цехида ўқ типидаги деталлнинг иккала томонини баравар текислаб, пармалайдиган станокнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бунинг учун 8 ой вақт, анчагина маблағ сарф этилди. Лекин станок белгиланган вазифани бажаришга нолойиқ бўлиб чиқди. Бу ерда ҳам шошма-шошарликка йўл қўйилди. Худди шундай станок «Ташсельмаш» ва Ўзбекистон трактор-йиғув заводларида бор эди. Улардан шу агрегатнинг тайёр лойиҳасини олиш ва шу асосда станок яратиш мумкин эди.

Бундай аҳволни «Таштекстильмаш» заводида, республикамиздаги кўпгина конструкторлик институтларида ҳам учратиш мумкин. Нима учундир корхоналарнинг конструкторлик бюролари, институтларнинг ижодкорлари янги механизмлар яратишда бор, яратилган нарсаларга, тайёр механизмларга эътибор бермайдилар. Улар бир ишни бошлаш олдидан бошқа шаҳардагилар уёқда турсин, қўшни корхонадаги янгиликлар билан ҳам танишиб ўтирмайдилар. Натижада давлатнинг кўплаб маблағи исроф бўлади.

Тошкент экскаватор, автомобиль ва трактор деталлари заводларида деталларни маҳкамлаш кўпинча қўл кучи билан бажарилади. Ваҳоланки, станокдаги деталларни тез ва аниқ маҳкамлайдиган жуда кўп замонавий усуллар мавжуд. Масалан, гидравлик усул, қисилган ҳаво билан маҳкамлаш усули, электромагнит усули ва бошқалар. Ҳозир практикада қисилган ҳаво ёрдамида ва гидравлик усулда маҳкамлаш кенг тарқалган. «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» каби заводларда станокда ишланувчи деталларни маҳкамлашда оригинал мосламалар қўлланилмоқда. Лекин «Автотрактородеталь» заводи ва Тошкент экскаватор заводларида бундай мосламалар жуда кам.

Кези келганда яна бир муҳим масала ҳақида айрим фикрларни айтиб ўтмоқчиман. Маълумки меҳнат унумдорлигининг юксалиши, маҳсулот сифатининг ошиши кўп жиҳатдан иш шароитига боғлиқдир. Москва ва бошқа шаҳарлардаги саноат корхоналари цехига кирсангиз ёзда ҳам, қишда ҳам ҳавонинг мўътадил эканини кўрасиз. Бу эса ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ошишига ёрдам беради.

Москвадаги карбюратор заводида шундай бир тажриба қилиб кўрилди. Бир цех деворлари зангори рангга, иккинчи цехнинг эса тўқ сариқ рангга бўялган. Амалда ҳар иккала цехнинг ҳарорати бир хил сақланган бўлса ҳам, деворлари зангори рангга бўялган цех ишчилари хонанинг совуқлигидан шикоят қилганлар. Тўқ сариқ рангга бўялган цехдаги ишчилар эса ҳеч қандай эътироз билдиришмаган.

Баравар оғирликдаги юк солинган иккита қутининг бири қора рангга, иккинчиси эса қизил рангга бўялган. Ишчилардан биридан қутиларни кўтариб кўришни илтимос қилишган. Ишчидан қутиларнинг оғирлигини сўрашганида у қора рангга бўялган қутининг анча оғирроқ эканлигини айтган.

Демак, ҳар бир ишчига эстетик таъсир этиш даражасини ҳам ҳисобга олиш керак экан. Станокларнинг турли қисмлари ҳар хил рангга бўялганидан кейин унумдорлик 10 процентдан 30 процентгача юксалган, чарчаш камайган.

Корхонада асбоб-ускуналарнинг тоза ҳолда сақланишига эътибор бериш ҳам муҳим роль ўйнайди. Карбюратор заводида цехлар батамом озода сақланадиган бўлганидан бери йилига 2 миллиард киловатт-соат электр қувватти иқтисод қилина бошлаган.

Областимизда ҳам ана шундай илғор корхоналар бор. 1-Авторемонт, «Таштекстильмаш» заводларининг айрим цехларида турли рангга бўялган асбоб-ускуналарни кўриш мумкин. Бироқ кўпгина корхоналарнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу муҳим ишга ҳали ҳам етарли даражада аҳамият бермаяптилар.

Биз юқорида айрим мулоҳазаларнигина айтиб ўтдик. Областимиз саноат корхоналарининг раҳбарлари бу масалалар устида ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмас эди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш, маҳсулот сифатини ошириш биринчи галдаги вазифа бўлиб турган ҳозирги пайтда ана шу проблемаларни ҳал этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Н. МУМИНОВ,
инженер.

ЯХШИ КАЙФИЯТ—УНУМЛИ МЕҲНАТ

Тунов куни йўлда кетаётиб, икки киши ўртасидаги қуйидаги суҳбатнинг гувоҳи бўлиб қолдим.

— Маҳалламиз ҳаммомига сира сон тегмади-тегмадида, — куйиниб гапирарди улардан бири. — Қачон кирсанг, дилинг хуфтон бўлиб чиқади.

— Сизнинг шикоятингиз холва экан, — гапни илиб кетди бошқаси. — Меникини эшитинг. Ҳозиргина химчисткадан келаётибман. Бир ой бурун костюмимни топширган эдим. Ҳануз тайёрлаб бершмаяпти.

Танишларимдан бири яқинда бир заводга ишга кирган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, уни учратиб қолдим. Ишдан бўшаганлигини айтди. Нега, деб сўрадим.

— Корхонада маиший хизматнинг мазаси йўқ экан. Ёқмади, — қисқагина жавоб қилди у.

Бу воқеалар кишини ўйлантириб қўймасдан иложи йўқ. Биз — маиший хизмат кўрсатиш ходимлари шулар ҳакида ҳар куни ўйлаймиз. Ҳозирги вақтда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси ва савияси талабга жавоб бераяптими? Шу жумбоқ тинч қўймайди бизни.

Очиғини айтиш керак, кейинги 3—4 йил ичида Тошкент шаҳар аҳолисига маиший хизматни яхшилаш борасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

Партия ва ҳукумат меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш даражаси ва савиясини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумида бу муҳим масала алоҳида муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул этилди. Бу масала шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг ҳамиша диккат марказида турибди.

Мана, ўтган йилги ишларимиз якунига назар ташласак аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бир талай тадбирлар амалга оширилганлигини кўрамиз. Бир йил ичидаёқ шаҳарда 18 та маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чилонзорда маиший хизмат саройи ишга тушди. Химчистка фабрикаси реконструкция қилинди, янги ускуна ва асбоблар билан жиҳозланган учта ихтисослашган сартарошхона аҳолига хизмат кўрсатабошлади, шунинг-дек мавжуд объектлар кенгайтирилди ҳамда реконструкция қилинди. Етти йилликнинг сўнгги йили бошлангунга қадар шаҳарда маиший хизмат кўрсатиш точкалари 608 тага етказилди.

Сир эмас. Бу соҳада жиддий ўсиш бўлишига қарамай, ҳали талайгина камчиликларимиз бор. Маълумки, унумли меҳнат қилиш учун кишида яхши кайфият бўлиши керак. Киши кайфияти кўп нарсаларга, аввало унга қандай хизмат қилинаётганлигига боғлиқ бўлади. Тажрибадан маълумки, қаерда маиший хизмат кўрсатиш даражаси ёмон йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда ишчилар қўнимсизлиги мавжуд, ишлаб чиқаришда унумдорлик паст. Агар ишчиларга яхши маиший шароит яратиб берилса, уларнинг меҳнат унуми ортади, кишилар бўш вақтларини оқилона сарфлаш имкониятига эга бўладилар.

Хизмат кўрсатишнинг қолоқ формалари меҳнаткашларга ҳар томонлама зиён келтиради. Негаки, истеъмолчилар эҳтиёжлари тўла қондирилмайди, бунинг устига хизмат кўрсатиш нархи ортиқ бўлади. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қолоқликни тугатишга кўпинча урф-одатлар ва эскилик қолдиклари сабаб бўлади. Турмушни коммунистик қайта қуриш маданиятнинг юксалиши, техника тараққиёти, меҳнаткашларнинг активлигини ошириш, ўз-ўзини идора қилишнинг демократик асосларини ривожлантириш масалалари билан боғлангандир.

Бу вазифаларнинг амалий жиҳатдан ҳал қилиниши албатта партия комитетлари ва советларининг фаолиятига боғлиқ. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари ҳам зиммаларига юклатилган масъулиятни тўла ҳис этадилар. Аҳолига хизмат кўрсатишни тинмай яхшилай бориш тўғрисида ўйлайдилар. Марғилон маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларнинг мурожаатини бошқармамизга қарашли корхоналарнинг коллективлари кизғин маъқуллямоқдалар. Ҳозир жойлардаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари коллективлари ўз имкониятларини қар томонлама ҳисобга олиб, зиммаларига етти йиллик сўнгги йили топшириғини муддатидан эрта бажаришга қаратилган конкрет мажбуриятлар олмоқдалар.

Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бу йил ҳамда якин беш йил ичида ана шу соҳада киладиган ишлари режаларини белгилаб олди. Биз бундан кейин замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, кенг тармоқли кабул пунктларига эга бўлган йирик корхоналар қуришга эътиборни кучайтирмоқчимиз. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштириш тадбирларини изчил амалга оширамиз. Аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаймиз, хизматнинг янги-янги формаларини амалда қўллаймиз.

Шу йилнинг ўзидаёқ аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг 38 та янги турини жорий этамиз. Жумладан, гаровга мол бериш, синтетик плашларни ремонт қилиш пунктлари, «Ўзингиз тикиб олинг» салонини очиш ниятларимиз бор. Бу йил 11 та маиший хизмат точкасини фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Шундан 6 таси комбинат бўлади. Полиграф кўчасидаги уч қаватли комбинат қурилиши тугалланади. Биринчи ярим йилликдаёқ Қорамурт кўчасидаги икки қаватли комбинат ишлай бошлайди. Иккинчи ярим йилликда эса кинескопларни тиклаш ва регенерациялаш цехи фойдаланишга топширилади. Шунингдек газ ва нур рекламаси цехи қурилиши тугалланди. 4-ишчилар шаҳарчаси Високовольтная ва Шота Руставели кўчаларидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатларининг биноларини ишга тушади. Келаси йил эса 21 та точка очмоқчимиз. Шундан 15 таси маиший хизмат кўрсатиш комбинатидир.

Аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, 1965—1970 йилларда қуйидаги ишлар режаси ҳам тузилди. Шу йиллар ичида ўзига-ўзи хизмат қилувчи кирхона қуриб фойдаланишга топширилади. Қабул пунктларига эга бўлган ва майда ремонт киладиган 10 павильон ишга туширилади. Эски кийимларни янгилаб берадиган фабрика, пойафзал тикадиган ва ямайдиган цех, 10 та пойафзал устахонаси, 10 та фотопавильон очилади.

Шунингдек Тошкент шаҳрида иккита фотокомбинат, 4 та пойафзал ремонти павильони, 6 та буюмларни прокатга бериш-қабул қилиш пункти ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шаҳар районларида шахсий автомашиналар қўйиладиган гаражлар қуриш учун 6 гектар ер участкаси ажратилди.

Шаҳар ижроия комитетининг маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳамда унинг корхоналари коллективлари бундан буён ҳам ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштириш, технология ускуналаридан фойдаланишни яхшилаш, хизмат кўрсатиш турини кўпайтириб, нархини арзонлаштириш, аҳоли талабларига яраша ишлашни ўз олдиларидаги асосий вазифа деб биладилар.

А. УМАРОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи.

ЭЛГА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

МАҲАЛЛАДА КЛУБ

Пойтахтимиздаги Ульянов маҳалласи аҳолиси яқинда яхши совға олди. Бу ерда ҳашаматли клуб қад кўтарди. Клуб маҳалла аҳолиси кучи билан қурилди. Бу ишда маҳалла комитети раиси Обид Каримов бош-кош бўлди.

Клуб маҳаллада маданий-маиший хизматни яхшилаш, сиёсий-оммавий ишларни уюштириш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини юқори поғонага кўтариш имконини беради.

С. ТЎЛАЕВ.

Тошкент шимолида студентлар шаҳарчаси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ерда дастлабки ётоқхоналар, ўқув корпуслари аллақачон фойдаланишга топширилган. Лекин қурилиш тугалланган йўқ ҳали. Стадионлар, химия ва физика корпуслари, кутубхоналар қад кўтариши керак яна. Бошқа бинокорлар қатори 159-қурилиш трести 7-бошқармасига қарашли Ҳолмат Ҳакимов бошлиқ комплекс бригада аъзолари ҳам бу замонавий шаҳарчани тезроқ студентлар ихтиёрига топшириш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Суратда: ўртоқ Ҳ. Ҳакимов (чапда) ўз бригадаси аъзолари билан.

А. Палехов фотоси.

БОЙЛИК ЯРАТАЁТГАНЛАР

«ОҚ ОЛТИН» МЕҲРИ

МУХБИРЛАР ХАТИГА ОБЗОР

Қишлоқларимизнинг меҳнатаҳли. Бу ҳақда гап кетганда кишининг кўз ўнгида пахта, пилла, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз хирмонлари, бидон-бидон серқаймоқ сут, семиз гўшт, ёғ, шириншакар мева-чевалар гавдаланади. Шу кунларда областимиз хўжаликларининг қайси бир пайкалида, фермасида, қуртхонасида, боғрогида бўлманг, шижоат билан меҳнат қилаётган кишиларни кўрасиз. Жонажон партия ва ҳукуматимизнинг оталарча қилаётган ғамхўрликларига жавобан кўплар қатори бизнинг областимиз қишлоқ меҳнаткашлари ҳам янгиданянги ютуқларга эришиш учун интилмоқдалар. Редакциямизга ҳар куни қишлоқ мухбирларидан келаётган ўнлаб хат-хабарларда ана шу меҳнат аҳли ҳақида гап боради.

Ўтган йили пахтадан баракали хирмон кўтариб, республикада карвонбоши бўлиб колган пахтакорларимиз бу йил 315 минг тонналиклар хирмонни ўзларига марра қилиб белгилаганлар. Шу кечакундузда юрагида ўти бор бўлган ҳар бир пахтакор деҳқон ана шу марра сари дадил қадам ташлаяпти.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Роза Отабоева машъал маккажўхорикор сифатида бутун республикамизга донг таратган. У бу йил яна бир ажойиб ташаббус бошлади. Бир неча йиллардан бери оксаб келаётган пахтачилик участкасига ўтиб ишлаш истагини билдирди. Унинг бу хайрли ишидан Янгийўлдаги Калинин номли колхоз аъзолари гоят хурсанд бўлмоқдалар. Хозир участка деҳконлари пахта ҳосилдорлигини шу йилнинг ўзидаёқ 32 центнерга етказиш учун қизғин курашмоқдалар. Шу кунга қадар барча майдонлардаги ғўзаларга биринчи комплекс ишлов бериш тугалланиб, иккинчи ишлов қизғин бошлаб юборилди. Колхоз кутубхонасининг мудири Ўрток А. Жалолов бизга ана шулар ҳақида ёзиб юборган. Қишлоқ мухбири Х. Хўжмановнинг ёзишича, райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг пешқадам звеноларида ғўза парвариши уюшқоқлик билан ўтказилаяпти.

Оққўрғондаги «Коммунизм» колхози бир неча йиллардан бери оқсаб келарди. Ўрток А. Тўраевнинг ёзишича, колхоз пахтакорлари бу йил ўз хўжаликларини илғорлар сафига ўтказиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. 1138 гектар майдонда ғўза парвариши кун сайин авж олдирилаяпти. Айниқса Ўрток Х. Тўрахўжаев бошлиқ участкада иш кизғин. Пахтакорлар шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни илгариги йилларгага нисбатан 12 центнерга ошириб, кузакда ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишга бел боғлашган. Шу районлик С. Мустафоев ва У. Сарибоев Ўртоклар ҳам ўз хатларида химмати зўр пахтакорлар ҳақида фикр юритишган.

Бўкалик қишлоқ мухбири Ўрток Н. Исматов ўз мақоласига «Далада ҳаёт қайнамоқда» деб сарлавҳа қўйибди. Ҳакиқатан ҳам шу кеча-кундузда «Партия XX съезди» колхозининг Қорақудуқ участкаси далаларида иш қизғин. Чўлқуварлар бу йил 270 гектар ерда пахта етиштиришаяпти. Уларнинг мажбурияти юксак — она-Ватанга 612 тонна «оқ олтин» етказиб беришмоқчи. Бўкалик Ш. Каримов, Т. Солиев, О. Носиров, Н. Тўфонов, М. Қорабоев Ўртоқлар ҳам редакциямизга хат йўллаб, пахтазорларда матонат билан меҳнат қилаётган кишилар меҳнатини улуғлаганлар.

Областимизнинг қайси бир районига борманг, ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан бошланган ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган азамат деҳқонларни кўрасиз. Улар ҳар бир туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилаяптилар. С. Бектоев, Х. Холиқов (Ўрта Чирчиқ), М. Нурмухамедов (Бекобод), Э. Довутбеков (Юқори Чирчиқ), А. Турғунов (Калинин) Ўртоқлар деҳқонлар эришаётган ана шундай ютуқлар тўғрисида редакциямизга хушхабарлар йўллашган.

ДАСТУРХОН БЕЗАГИ

Пахтакорлар билан бир қаторда сабзавоткорлар ҳам ғайрат-шижоатларини аямай меҳнат қилишаяпти. Уларнинг асл мақсади эл дастурхонини сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл қилиб безатишдан иборат.

— Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг Ўрток Р. Йўлдошев бошлиқ бригадаси сабзавоткорлари дастлабки зафарларни қўлга кирита бошладилар, — деб ёзишади Ж. Жалилов ва И. Ўринбоев Ўртоқлар, — улар ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар аҳолисига 15 тонна янги карам етказиб беришди. Шунингдек 9 тонна редиска ҳам шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинди.

Шу райондаги «Ленин йўли» колхозининг меҳнаткашлари етти йилликнинг сўнгги босқичини 2080 тонна картошка, 3352 тонна сабзавот, 1170 тонна қовун-тарвуз етиштириш билан якунлашга аҳд қилишган. Шу кунларда экинлар агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилинаяпти. Эртаги экинлардан олинаётган ҳосил пешма-пеш шаҳарга жўнатиб турилибди. Қишлоқ мухбири Т. Жўраев ана шулар ҳақида ёзиб юборган. Газетхон Ўрток А. Баҳодиров эса ўз мақоласини «Тошкент» совхозининг сабзавоткорларига бағишлаган. Улар ҳам кўплар қатори сабзавот мўл-кўллиги учун курашмоқдалар.

Шу кунларда областимиз боғбонлари ҳам ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилаяптилар. Янгийўлдаги «Олмазор» совхозининг 3-бўлимида бу йил 150 гектар ерда узум етиштирилаяпти. Соҳибкорлар узум ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан анча ошириб, пландаги 1270 тонна ўрнига 2300 тонна узум етиштиришга катъий аҳд қилишган. Ўрток М. Мирсандов бизга ана шуларни хабар қилади. Р. Анорбоев ва С. Бектоев ўртоқларнинг ёзишларича, Оққўрғондаги 2-боғдорчилик совхозининг А. Вандрай бошлиқ бригадаси соҳибкорлари ток парваришини намунали ўтказмоқдалар. Бу ерда ҳар гектар майдондан камида 130 центнердан узум ҳосили олиш учун қизғин курашилмоқда. Совхознинг П. Чупиевский бошлиқ бригадаси соҳибкорлари ҳам хўжаликда пешқадамлик қилишмоқда. Бўстонликдан ёзиб турувчи Р. Кўчаров, Д. Ўринбоев ва У. Сулайманов ўртоқлар ҳам ўз хат-хабарларида илғор боғбонлар қилаётган самарали меҳнатни акс эттирганлар.

КУМУШ ТОЛА

Ҳозир областимиз пиллачилари энг масъулиятли палладаларда. Олди қуртлар пилла ўраб, давлатга пилла топшириш бошланди.

— Хожигул она Каримовани Бекободдаги Навоий номли колхоз аъзолари «Табаррук пиллакор» деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. 75 баҳорни кўрган Хожигул она 30 йилдан буён пиллачилик билан шуғулланаяпти, — деб ёзишади Х. Отақулов ва Н. Шербеков Ўртоқлар, — Онахон бу йил қизи ва келини билан биргаликда уч қути ипак қуртини меҳр билан парвариш қилмоқда. Ўтган йил ҳар қути ипак қуртидан 85 килограммдан пилла етиштирган Хожигул она «бу йил юз килограммдан пилла оламан» деяпти.

Оққўрғонлик Ўрток Р. Анорбоев «Ленинград» колхозининг пиллачилари тўғрисида хабар ёзиб юборган. Хўжалик пиллачилари ҳозир 85 қути ипак қуртини моҳирлик билан парвариш қилмоқдалар. Улар эрта-индин давлатга пилла сотишни кучайтириб юборадилар. Ўртачирчиқлик Ж. Файзиев, янгийўллик С. Валиев, Т. Имомов, Э. Тўлаганов, М. Усмонова, Калинин районлик У. Муҳамедов Ўртоқлар ёзиб юборган хат-хабарларни ўқиган киши ҳам миришкор пиллачилар қилаётган самарали ишлар билан танишади.

ПИЛЛА—ДАВЛАТГА

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг моҳир пиллачиси Муҳаббат Раҳмонбекова катта ғалабани қўлга киритди. У 14 грамм қурт уруғидан 45 килограмм ўрнига 65 килограмм пилла топшириб мажбуриятини анча ошириб бажарди. Суратда: ўртоқ М. Раҳмонбекова.

А. Тўраев фотоси.

СУРЪАТ ТЕЗЛАШДИ

Калинин районининг пиллачилари кунданкунга суръатни кучайтириб, янги ҳосилни давлатга топшириб бошладилар. Шу кунларда қайси колхозга борманг, пиллачиларнинг зўр ғайрат ва ташаббус билан ишлаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Улар пилла етиштириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятни ошириб бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Свердлов номли колхоз пиллачилари етиштирилган мўл ҳосилни тез суръат билан давлатга топширмоқдалар. Тўхтахон Отакишиева, Маърифат Турсунова, Насиба Раҳматова каби моҳир пиллачилар ўз зиммаларига олган мажбуриятни бир ярим ҳиссадан ошириб адо этдилар.

«Коммунизм» колхозининг Ўртоқ Абдулла Отакишиев раҳбарлик қилаётган звеноси аъзоларининг иши ҳам ибратли. Бу ердаги кўпгина қурт боқувчилар — ҳар қути уруғдан 75-85 килограммдан ҳосил топшириб, мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

А. ИНОҒОМОВ,
Э. МАЪДИЕВ.

30.000!

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. 30 минг килограмм пилла! «Правда» колхози пиллачиларининг бу йилги шиорлари ана шундай. Улар ўтган йили давлатга пландаги 25 минг килограмм ўрнига 28 минг килограммдан зиёд аъло сифатли пилла топшириб, ҳамманинг олқишига сазовор бўлган эдилар. Бу йил ана шу муваффақиятни янада мустаҳкамлаш мақсадида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилинаяпти. Шу кунларда колхознинг олди звеноларни давлатга пилла топшира бошлади. Хўжаликда юз килограммчилар ҳаракати оммавий тус олди.

Е. ҚОСИМБЕКОВ.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ЯНГИ МАВСУМ

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг янги мавсумида мамлакат қишлоқ хўжалигини намойиш қилиш учун 26 та павильон ажратилди. Улардаги ҳар бир экспозицияда КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳамда совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган қарорлари ўз ифоласини топган.

«Деҳқончилик» павильонининг экспонатлари деярли бутунлай янгиланди. Стендларда янги беш йиллик план бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 71 миллиард сўм пул ажратиш мўлжалланмоқда, деб ёзиб қўйилган. Бу эса беш йил ичида колхоз-совхозларга 1.790 минг трактор, қариб 1100 минг автомашина ва 10.7 миллиард сўмлик турли хил қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик фанига ҳам павильонда катта ўрин берилган. Масалан, бу ерга келувчилар мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини химиялаштириш масалалари билан 200 дан ортиқ илмий муассаса шуғулланаётганлигини билиб оладилар. Колхоз ва совхоз раҳбарларини Белоруссиядаги илғор «Рассвет» колхозининг тажрибаси ҳам қизиқтириши турган гап. Бу хўжалик кам ҳосил ерларда катта даромад олмоқда.

«Дон» павильонида эса дон экинлари, шунингдек, гречиха, сули ва шоли етиштиришнинг илғор усуллари пропаганда қилинади, ҳосил усталарининг тажрибаси кўрсатилади. Бу ерда фақат диаграмма ёки суратлар билан танишибгина қолмай, новаторларнинг мўл ҳосил олиш тўғрисидаги плёнкага ёзилган ҳикояларини эшитиш ҳам мумкин.

Уруғни экишдан олдин ишлаш методларини намойиш қилувчи суратлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, уруғ молибден билан дорилганда нўхот ҳосили ўн центнерга ошиб, гектарига 27,6 центнерни ташкил этади. Горький қишлоқ хўжалик тажриба станциясида ана шундай натижага келинди.

Чорвадорлар ҳам кўргазмада кўп фойдали нарсаларни билиб оладилар. Ем-хашакни тўғри тақсимлаш усуллари билан ферма ходимларини кенг таништиришни, дейди шу бўлимнинг бош методисти А. Д. Нефедов, энг муҳим вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. Масалан, Эстониядаги чорвачилик ва ветеринария илмий-текшириш институтининг тажриба хўжалигида бир литр сут соғиб олиш учун атиги битта ем-хашак бирлиги сарфланади. Ҳолбуки, мамлакатимиз хўжаликларининг кўпчилигида худди шу миқдордаги сутни олиш учун бир ярим-икки баравар кўп ем-хашак сарфланаётир.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Чорвачилик павильонларидаги экспозицияларда ана шу масалага катта аҳамият берилган. Улардаги стендларда қизиқарли мисоллар келтирилган. Масалан, Ставрополь ўлкасидаги «Пролетарская воля» колхозида ҳар бир сут соғувчи соғиб олинган сутнинг ҳар центнери учун икки сўм йиғирма тийиндан пул, шунингдек, пландан ташқари соғиб олган сут ҳамда сутнинг ёғлилигини ошириганн учун қўшимча ҳақ олади.

Қўйчилар Ярославлдаги «Победа» ва «Колос» колхозларининг иш тажрибаси билан албатта қизиқадилар. Бу хўжаликларда бир йил ичида ҳар юз романов қўйидан 200 ва ундан ортиқ қўзи олинди.

Виставка фермаларига жуда кўп наслдор сигир, қўй, чўчқа, отлар ва парранда келтирилмоқда. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш павильони ҳам янгидан бир неча ўн машина билан тўлатилган.

Виставка янги мавсум ишини бошлаб юборди. Дастлабки минглаб кишилар унинг янги экспонатлари билан танишиб чиқдилар. Яна олдинда — қизиқарли тажрибалар, қимматли маслаҳатлар...

П. РОГОЗИНСКИЙ,
ТАСС мухбири.

ЖУН ТОПШИРИШ ИЛҒОРЛАРИ

ҒАЗАЛКЕНТ. Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни муттасил равишда кўпайтирмоқдалар. Бу ерда чорва моллари тўёғи ва уларнинг маҳсулдорлиги кўпайиб бормоқда. Чорвадорлар қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиб, катта ютуқларга эришдилар. Колхозда жун қиркиш ҳам яхши ташкил этилди. Натижада давлатга 16 тонна майин ва ярим майин жун сотилиб, план 116 процент бажарилди. Ўрток Соғинбек Усеиқулов ўз отларидаги 600 бош совлиқ қўйнинг ҳар биридан 3,1 килограммдан жун олди. Нишон ота Олтоев эса ҳар қўйдан 4 килограммдан жун олиб, социалистик мажбуриятини ошириб бажарди.

В. ҚОДИРОВ.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Ширин сўз — дилга йўл

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Магазинга кирганингизда сотувчи сизни очиқ чеҳра, ширин сўз билан кутиб олса, дилингиз равшан тортади. Олмоқчи бўлган молингизни бемалол, хотиржамлик билан танлайсиз. Бордию, бунинг тескариси, бўлсачи, харид қилмоқчи бўлган буюмингизни ҳам олгингиз келмай, қайтиб чиқиб кетасиз. Шу сабабдан кекса, тажрибали савдо ходимлари «мужозингни кўпайтирмасанг кассангда барака бўлмайди» дейишади.

Биз шунақа ширин сўзлари билан харидорлар дилига йўл топаётган, қирқ йилдан бери совет савдо ходими деган номга гард юқтирмай ишлаб келаётган киши ҳақида гап юритмоқчимиз.

Тошкентдаги марказий универмагнинг жун газламалари бўлимидамиз. Бу ерга келиб турган одамларнинг кети узилмайди.

— Менга ҳаво рангидан ўлчанг...

— Бригадамиз аъзолари ҳаммамиз бир хилда костюм кийиб юрмоқчи эдик, қайси хилидан олсак экан...

— Бир кунда шу хилдаги савол билан бизга юзлаб одам мурожаат қилади, — дейди кекса савдо ходими Адҳам ака, — харидорлардан бирортасига қош чимирсангиз ёки сўровига сал кечикиб жавоб қайтарсангиз унинг кўнгли ранжийди. Кўнгли ранжидими, ўша харидордан ажрадим деяверинг.

Адҳам ака совет савдо ходими учун бажарилиши шарт бўлган бу қоидага аввало ўзи қатъий амал қилади, шу билан бирга кўп сонли шогирдларига ҳам харидор билан «нечоғлик хушмуомалада бўлсангиз, марра сизники» деб насиҳат қилади.

Адҳам ака ишлайдиган бўлимга ҳар куни қанча-қанча ёшлар, кексалар келиб туради. У шу кишиларга костюм, пальтолик, қўйлакбоп жун газламаларнинг хуш бичим хилини танлашда, унга неча метр етиши ҳақида эринмай маслаҳат беради.

— Бўлимимизга келган харидор, мол олмай қайтмайди,— дейди Адҳам ака, — шу сабабли биз ҳамма вақт ойлик, квартал планларини ошириб бажарамиз.

Савдо ишини 1925 йилдаёқ бошлаган Адҳам Ҳайдаров ҳамиша ўзи бошкаларга намуна бўлади. У 1925 йилларда паранжида ўтирган ўзбек аёлларини совет савдосига тортишда яхши ташаббус кўрсатган эди. Унинг ҳаракати ва тавсияси билан бир неча хотин-қиз паранжини оловга ташлаб совет савдо ходими, деган касбни эгаллади. Буларнинг кўпчилиги ҳозирги кунларда ҳам жуда яхши ишлаб келмоқдалар.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, қирқ йилдан бери савдо ходими бўлиб ишлаб келаётган Адҳам Ҳайдаровни кўп сонли Марказий универмаг коллективи жуда ҳурмат қилади. У бу ҳурматга фидокорона меҳнати, касбига бўлган муҳаббати, ширин сўзлилиги туфайли эга бўлган.

Дарҳақиқат, ширин сўз — дилга йўл!

М. МИРЗАЕВ.

Суратда: Адҳам Хайдаров.

БИР ОИЛАДА 85 КИШИ

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси Қўшмурод ота Хоназаров 105 баҳорни кўрди. Унинг умр йўлдоши Канигул момо эса 99 ёшга тўлди. Уларнинг Хонимқул, Алибой, Собир, Бердиёр, Холбўта исмли фарзандлари ҳам кўп болали ва ҳатто неварали бўлишган.

Қўшмурод ота оиласида невара-ю, чеваралари бўлиб, ҳозир 85 киши истиқомат қилади. Колхознинг 9-звеноси асосан шу оила аъзоларидан ташкил топган.

Н. ТУФОНОВ,
ўқитувчи.

„КОСМОС“ НОМИ БИЛАН

Болгарское огород массивида қурилган янги озиқ-овқат магазини «Космос» деб аталди. Олд томони яхлит тош ойналар билан ишланган бу кўркам гастрономда 10 та бўлим бор. Харидор бу ердан истаган озиқ-овқат маҳсулотини олиши мумкин.

И. РУСТАМОВ.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

● Оҳангаробдаги цементчилар шаҳарчасида яқинда икки қаватли янги бино қад кўтарди. Универсал магазини учун мўлжалланган бу бино тўрт бўлимдан иборат. Харидорларга маданий савдо хизмати кўрсатиш учун бу ерда барча қулайликлар муҳайё.

А. КУКИЕВ.

● Тошкентдаги ипак-йигирув фабрикаси коллективи биринчи квартал планини бажариш учун бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, ЎзССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон касабалар союзининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Меҳнати улуғланган коллектив мусобақани янада авж олдирди ва апрель ойида пландан ташқари 30 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди. Фабриканинг ишчи, инженер-техник ходимлари шу кунларда «Коммунистик меҳнат корхонаси» деган шарафли ном учун астойдил курашмоқда.

И. МАЛИКОВ.

● Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозида қўзиватиш кампанияси муваффақиятли якунланди. Колхоздаги мавжуд 2962 совлиқдан 3119 бош соғлом қўзи олинди. Бу йилги қўзиватиш кампаниясида чўпон Ўрток Пўлат Турдиев катта кўрсаткичга эга бўлди. У ўз боқимидаги 400 бош совлиқдан 475 соғлом қўзи олди. Шунингдек, колхоз сут, гўшт сотиш топшириқларини ҳам яхши бажаратир.

Р. МИРАЪЗАМОВ.

● ГРЭС қурувчилар посёлкаси кун сайин обод бўлиб бормоқда. Посёлка қиёфаси кейинги вақтларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди: Ҳозир бу ерда ҳаммом «химчистка» фабрикаси, алоқа бўлими, ошхона, конвойхона, аптека, болалар яслиси, богчаси, саноат ва озиқ-овқат магазинлари аҳолига намунали маданий-маиший хизмат кўрсатиб турибди.

К. АБДУВОҲИДОВ.

● Маҳалламиз обод, халқимиз инок, ёшларимиз хушчақчақ ва одобли, — деа сўз бошлади маҳалла комитетининг раиси Ўрток М. Ибодов комитет йиғилишида, — лекин бизда бир нарса етишмайди, у ҳам бўлса клуб. Эндиги вазифа маҳалламизда ана шундай маданият ўчогини бунёдга келтиришдир.

Бу фикрни комитет аъзолари ҳам қўллашди. Комитет мажлисининг қарори маҳалла умумий йиғилишида ҳам маъқулланди. Шундан кейин, аҳоли клуб қуришга киришди. Киров районидаги 1-«Квартком» маҳалласида қад кўтарган клуб маҳалла меҳнаткашлари кучи билан қурилди.

А. ЕФТИФЕЕВ.

ЖАМОАТЧИЛИК—КАТТА КУЧ

Бу маҳаллада амалга оширилаётган ишлар ҳаммани қувонтирмоқда. Жамоатчилик кучи билан кейинги икки йил ичида 13 та жамоат биноси қад кўтарди. Озиқ-овқат, саноат, хўжалик моллари магазинлари, алоқа бўлими, омонат касса, болалар хонаси, 200 ўринли муҳташам клуб биноси ана шулар жумласидандир.

Маҳалладэ маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг барпо этилиши билан оммавий-тарбиявий ишлар ҳам жонланиб кетди. Маҳаллада сиҳат-саломатлик халқ университети очилди. Клуб ҳузурида эса маҳалла зиёлилари, студентлардан иборат лекторлар группаси ташкил этилди. Бичиш-тикиш, шахмат-шашка, физкультура ва спорт тўгараклари ҳар куни ишлаб турибди. Атеистлар бурчаги аъзолари эса аҳоли ўртасида тез-тез турли темаларда лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб турибдилар. Эскилик сарқитлари, диний урф-одатларни йўқотиш, унинг ўрнига замонавий маънавий эга бўлган янги традицияларни кенг қулоч ёйдиришда фаол иш олиб бормоқдалар.

Маҳалланинг хотин-қизлар Совети, оқсоқоллар совети, тўй комиссиясининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Советлар ва комиссияларнинг маслаҳати билан тўй маросимлари маданий кечаларга айлантирилаяпти. Тўйларда меҳнаткашлар хонанда ва созандаларнинг куй-қўшиқларини тинглаб янгилик шарофатидан гоят мамнун бўлишмоқда. Маҳалла клуби кечқурунлари кишилар билан гавжум бўлади.

— Ҳали ҳам орамизда шундай кишилар борки, — дейди клубда бўлган суҳбатда юридик фанлари кандидати ўртоқ Р. Қаюмов, — тўй ва бошқа маросимларимизда ҳанузгача эскилик сарқитлари амалга оширилиб, дастурхонга ҳаддан ташқари зеб берадилар, дош қозонларда ош дамлайдилар.

Бундай ҳол албатта кам. Лекин кам бўлса ҳам бор. Тўй ёки бошқа маросимларни маҳалла тўй комиссияси билан маслаҳатлашиб, ҳамма учун манзур бўларли қилиб ўтказиш керак. Тўйларимиз замонавий бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Хўжалик буюмлари заводининг ишчиси Турғун Йўлдошев эса оилада ёш болаларни муносиб кишилар қилиб тарбиялаш устида тўхталди. Шунингдек, кекса педагог Ҳожи Умаров, пенсионерлардан Йўлдош ота Каримов, маҳалла хотин-кизлар советининг раиси Халима Бозорбоева, Ғиёс Латипов, комсомол ёшлардан Юсуфжон Зиёев ва бошқа кўпгина ўртоклар ҳам сўзга чиқиб маҳалла аҳолисини дабдабали тўйлар ўрнига ҳамчиқим, мазмундор тўйлар қилишга чақирдилар.

Маҳалла хотин-қизлар совети, тўй комиссияси, оқсоқоллар советининг аҳоли ўртасида олиб бораётган бу ишлари самарали натижалар бермоқда. Хотин-қизлар советининг ташаббуси билан илгари уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиб келган 60 га яқин аёл ҳозирда Тошкент чинни заводида, хўжалик буюмлари заводида ва бошқа корхоналарда меҳнат қилмоқда. Шунингдек тўйлардаги «тўққизтўққиз» тортиш, «нонушта» каби одатларга ҳам барҳам берилди.

Яқинда «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи аҳолиси «Коммунистик турмуш ва юксак маданият учун» кураш ташаббусини бошлаб бердилар. Бу ташаббусни Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг бюроси маъқуллади. Райондаги «Янги шаҳар», «Гурчарик», Абдулла Набиев номли маҳалла аҳолилари ҳам бу ташаббусга қўшилдилар.

Биз хикоя қилган маҳалла аҳолисининг ташаббуси билан жамоатчилик асосида олиб бораётган ишлар райондаги кўпчилик маҳаллаларга кенг ёйилмоқда. Район бўйича ҳозир 19 медицина пункти, 24 клуб, 39 озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, тўртта кутубхона бинолари жамоатчилик кучи билан қад кўтарди.

«Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ишлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорларига берилаётган амалий жавобдир.

И. ГОЗНИЕВ,
Э. ЮНУСОВ.

З И Ё К О Р

Ярим очиқ дераза ёнида турган 50 ёшлар чамасидаги аёл бирнеча соатдирки, атрофга суқланиб боқади. Ҳаммаёқ серфайз ва дилрабо кўринади унга.

...Манзура опанинг кўзи бундан бир неча йил муқаддам кўрмай қолди. Ушанда у, бир умрга бахтсиз бўлиб қоламан деб ўйлаганди. Йўқ, у ўйлаганча бўлмади. Бу ердаги зиёнкорлар унинг кўзига нур берди.

Мана энди Манзура опа бу кечани ҳам касалхонада ўтказади. Тонг отиши билан шу даргоҳга келган куни етаклаб чиқилган зиналардан ўзи тушиб, меҳрибон оиласи қучоғига қайтади.

У енгил нафас олиб хўрсиниб қўйди. Кўзларида ёш халқаланди. Бу унинг севинч ёшлари эди.

Пойтахтнинг Киров районида истиқомат қилувчи Манзура Шайхованн 15-шаҳар касалхонаси ҳузуридаги кўз касалликлари клиникасига олиб келганларида унинг аҳволи оғир эди. Унг кўзи глоукома натижасида бутунлай кўрмай қолганди. Чап кўзи эса парда билан қоплониб қолди. Икки кўзга қон қуйилиб, миянда чидаб бўлмас даражада оғриқ пайдо бўлганди. Кўздан тинимсиз ёш оқарди ўшанда.

Дарднинг олдини олиш керак эди. Шу учун ҳам операция қилиш лозим топилди. Аммо, бундай мураккаб операция ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди! Операция қилиш клиникининг ёш, лекин тажрибали кўз касалликлари врачи Убайдулла Тошмуҳамедовга ишонч билан топширилди. Врач ўз билим ва тажрибаларини ишга солди. Бу кунги операция ҳам ҳар галдагиден муваффақиятли тугалланди.

...Тошкент медицина институтини имтиёзли диплом билан тугатган Убайдулла Тошмуҳамедов Ленинграддаги Киров номли ҳарбий медицина академиясига ўқишга кирди. Академияни тугатгач, Тошкентга қайтди.

Ушандан буён у кўз касалликлари клиникасида ассистент бўлиб ишлаб келмоқда. Шифокор омилкор врач бўлиш билан бирга яхши педагог ҳамдир.

Убайдулла Тошмуҳамедов клиникага келган беморлар билан бирга дард чекади, уларнинг дардларига шифо бахш этиш учун қўлидан келган барча чора-тадбирларни кўради.

Клиникада Убайдулла акани ҳақиқий зиёкор деб аташади. Ҳа, эл ҳурматини қозонаётган Убайдулла Тошмуҳамедов бу номга лойиқ шифокордир.

Р. ПУЛАТОВ.

ЖУРНАЛХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда, Навоий номидаги халқ кутубхонасида «Шарқ юлдузи» журналхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Бунда журналхонлардан Т. Халилов, Э. Бегматов, М. Мирзааҳмедова, Г. Матёқубова, М. Содиқов, Ш. Каримов, Ф. Исмоилов, У. Тўйчиевлар сўзлаб, журналда босилган асарлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини айтдилар. Журнал редколлегияси ўқувчиларга замондошлар образини жозибали тасвирлайдиган янги асарлар тақдим этиш учун қандай тадбирлар кўриши лозимлиги ҳақида таклиф ва талаблар ўртоқлашилди.

Учрашувда шоир ва ёзувчилардан, редакция ходимларидан Н. Сафаров, О. Ёқубов, Ҳ. Шарипов, В. Рўзиматов, Э. Воҳидов ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар.

Ю. ШОМАНСУРОВ.

Бу сурат Чирчиқ машинасозлари саройида олинган. Бу ерда бир неча ҳаваскорлар тўгараги ишлаб турипти. Унда «Узбекиммаш» ва «Чирчиксельмаш» заводларининг 300 дан ортиқ ёшлари қатнашмоқдалар. Суратда бадиий ҳаваскорлар украинча рақсни ижро этишмоқда.

О. Левак фотоси.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилар составининг фаннинг актуал проблемаларига бағишланган уч кунлик илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари фармацевтика, химия ва медико-биология секцияларига бўлиниб, турли темадаги 70 га яқин доклад тингладилар. Доцент Х. Ҳолматов, профессорлар А. Генгринович, М. Азизов ва ассистент А. Кац ўртоқларнинг докладларида олимларнинг кўп йиллик илмий ишлари якунлаб берилди. Бу докладлар зўр қизиқиш билан тингланди.

Тошкент янгиликлари

Кутубхоначилар слёти

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида жамоатчи кутубхона ходимларининг слети бўлиб ўтди. Слётни шаҳар ижроия комитети маданият бўлимининг бошлиғи ўртоқ А. Раҳматуллаев очди.

Шаҳар ижроия комитети маданият бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ И. Панченко шаҳар кутубхоналарининг аҳволи, кутубхона советларининг ишлари, китоб эҳтиёжлари ҳақида гапирди.

Слётда жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхоналар сонини ошириш ҳақида яхши гаплар бўлди. Бу ишга ёшлар жалб қилиниши, уларнинг актив ёрдамисиз буни амалга ошириб бўлмаслиги таъкидлаб ўтилди. Ленин районидаги 16-уй бошқармасида яшовчи пенсионер Мария Ивановна Евдокимова жамоатчилик асосида ташкил қилинган кутубхонага бошчилик қилянти.

— Аввалига маҳалламизда ортиқча китобларни йиғдик, — дейди М. Евдокимова, — шаҳар маданият бўлимидаги ўртоқлар ёрдам қилишди. Кутубхонамизда 4000 дан ортиқ китоб бор. 500 ўқувчига эгамиз. Тез-тез адабий кечалар, мунозаралар, конференциялар ўтказиб турамиз.

Слетда 16-уй бошқармасида жамоатчилик асосида ишлаётган кутубхона тажрибасини кенг ёйишга қарор қилинди. Слётда қатнашган Харьков шаҳар ижроия комитети маданият бўлимининг бошлиғи ўртоқ В. Дорожкин Тошкент-Харьков шаҳар кутубхона ходимлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга, тажрибаларни ўртоқлашишга чақирди.

Хизматлари билан ҳурмат қозонган кутубхона ходимларининг бир группаси ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

И. МУҲАММАДЖОНОВА.

ЯНГИ ГРАФИК АСОСИДА

Шу йил июнь ойидан бошлаб Совет Иттифоқининг ҳамма темирйўл тармоқларида поездлар ҳаракатининг янги рўйҳати жорий қилинди. Шу муносабат билан баъзи бир поездларнинг номерлари ўзгарди. Масалан, 14/13 номерли Тошкент — Москва тез юрар поезди 6/5 номерли бўлди. Тошкент билан Қарағанда ўртасида янги поезд юрабошлади. Томскдан келадиган поезд эса Тошкент орқали Андижонга ҳам ўтади.

Поездларнинг тезлиги ҳам анча ошди. Тошкент-Москва тез юрар поезди аввалларги 64—65 соат юрар эди. Энди эса 56—57 соатда манзилга етказиб қўяди. Бундан ташқари Иттифоқимизнинг узоқ шаҳарлари — Кисловодск, Адлер, Уфа ва бошқа жойларга пересадкасиз поездлар қатнайди. Деярли ҳамма поездларда вагон-ресторанлар пассажирлар хизматида бўлади. Вагонлар ичидаги ҳаво махсус аппаратлар билан янгилаб турилади.

ИЮНЬ — СПОРТ ОЙИ

Июнь ойида спорт мусобақалари янада кўп бўлади. Бу ойда эркин кураш, классик кураш, сув полоси, велосипед, эшкак эшиш, гимнастика, чавандозлик, енгил атлетика, сувга сакраш, қўл тўпи, мерганлик, ҳозирги замон беш кураши, теннис, қиличбозлик ва бошқа спорт турлари бўйича шаҳар, область, республика мусобақалари ўтказилади. Ўзбекистон терма командалари мамлакат биринчиликларида иштирок этадилар.

Ўзбекистоннинг энг кучли велосипедчилари Симферополь шаҳрига жўнаб кетишди. Улар бу ерда Арманистон, Грузия, Латвия ва Симферополь спортчилари билан бўладиган матч учрашувларда қатнашадилар. Эркин курашчиларимиз Фрунзеда, классик курашчиларимиз эса Душанбада, эшкак эшувчилар Темир-Тауда, гимнастикачилар Хабаровск на Ленинградда, сувга сакровчилар Москвада матч учрашувларда, биринчиликларда, Кубок мусобақаларида иштирок этишади.

Тошкентнинг спорт базаларида ҳам бир қатор йирик мусобақалар ўтказилади. 10 июндан 13 июнгача Тошкент денгизида область терма командалари иштирокида байдарка ва каноэда республика шахсий-команда биринчилиги бўлади. Сув полоси бўйича Ўзбекистон чемпионати эса 14-20 июнда ўтказилади.

Қишлоқ спортчилари Фарғонага тўпланишади. Бу ерда 11 июндан 13 июнгача «Пахтакор» жамияти Марказий Совети биринчилиги учун енгил атлетика бўйича шахсий-команда мусобақалари бўлади.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг қўл тўпи командаси Ростовда ўтказилаётган «А» класси биринчилигида қатнашмоқда.

18 июнда Тошкентда бошланадиган Ўзбекистон касаба Союзларининг V спартакиадаси республика спорт ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Область касаба союзи спартакиадаларининг ғолиблари спортнинг 19 тури бўйича беллашадилар. Спартакиадада 2,5 мингга яқин спортчи қатнашиши кутилмоқда. Жахонга танилган тошкентлик гимнастикачи С. Диамидов, Спорт мастерлари, курашчилар Я. Сонин, А. Гатагов, акаука Рифат ва Абдумажид Аблаев, Р. Казаков, сувга сакровчилар В. Пилипко, Р. Гороховская, шашкачи С. Давидов, Ш. Ёқубов ва бошқа кучли спортчиларнинг иштирок этиши спартакиада кескин ва қизиқарли ўтишидан дарак бермоқда.

Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг XVIII спартакиадаси эса бешта шаҳарда ўтказилади. Июнь ойида бу мусобақалардан ташқари физкультура коллективларида, район, шаҳар ва область масштабида ўнлаб турлар бўйича юзлаб мусобақалар бўлади. Унда минглаб спортчилар эпчиллик, чаққонликларини намойиш этишади, чиниқишади, кучларига куч қўшишади.

П. КОНОВАЛОВ,
Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи советининг спорт турлари федерацияси раиси.

Тошкент шаҳри чегарасида — Луначарское шоссесида икки қаватли бино қад кўтарди. Техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида қурилган бу кафега — «Салом» номи берилди. Суратда кафенинг умумий кўриниши.

А. Абалян фотоси.

РЕВОЛЮЦИЯ ШУНҚОРИ

(Я. М. СВЕРДЛОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА)

Максим Горький революцион жасорат кишилари тўғрисида гапириб, «Уларнинг ном чиқарганликларига сабаб шуки, улар ўз ҳаётларининг мақсадини яхши тушунадилар, улар янги революцион фикр юритувчи кишилардир» деб ёзган эди.

Яков Михайлович Свердлов худди шундай кишилардан эди. У ёшлигидаёқ марксизм билан кенг танишиб, ишчилар синфининг катта революцион кучқудратини яққол сезди. Свердлов тез орада Ленин раҳбарлик қилган Россия социал-демократлар партиясининг жанговар ташкилотчиларидан бири бўлиб қолди.

Унинг революцион фаолияти Нижний Новгород, Екатеринбург, Сормово, Кострова, Ярославль, Қозон ва Пермь шаҳарларида қанот ёзиб Москва ва Петербург сингари йирик шаҳарларда давом этди. Унинг ажойиб ташкилотчилик ишлари ўша вақтдаёқ Владимир Ильичнинг таҳсинига сазовор бўлди.

1905 йил сентябрида партия Марказий Комитети Свердловни Екатеринбургга юборди. Бу ерда эндигина 20 ёшга кирган Яков Михайлович Урал заводлари ишчилари орасида ташвиқот ишлари юргиза бошлади. (Кейинчалик, 1924 йили уралликларнинг талаби билан бу шаҳарга Свердлов номи берилди).

Я. М. Свердлов полиция томонидан кўп марта қувғин қилинди, бир неча бор қамоқ ва сургунда бўлди. Умрининг ўн икки йили турма ва сургунда ўтди. Лекин буларнинг ҳаммаси уни чўчита олмас эди, албатта. У қамоқ ва сургундан қочиб, ўша заҳотиёқ Россиянинг марказий шаҳарларига етиб келар ва революцион ишини давом эттирарди.

Оташин революционер ҳақиқатан ҳам революцион воқеаларнинг марказида бўлишга доимо интилар эди. У Ленининг буюк ғояларини ишчилар ва зиёлилар ўртасида кенг пропаганда қилди, митинг ва йиғилишларда қатор нутқлар сўзлаб, меҳнаткашларни курашга отлантирди. 1912 йили Я. М. Свердлов РСФСР Марказий Комитетига сиртдан аъзо қилиб сайланди ҳамда Марказий Комитетнинг Русь бюроси составига киритилди. Шундан эътиборан умрининг охиригача у партиянинг ҳамма конференция ва съездларида Марказий Комитет составига сайланиб келди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас у узоқ Туруханга сургун қилинди. Февраль революцияси ни ҳам шу ерда қарши олди. Тез орада бу ердан қочишга қарор қилди. Енисей дарёсидаги музлар эриб, дарёдан кечиб ўтиш хавфли бўлганига қарамай, Красноярскка етиб келди. Бу ердан революцион марказга — Петербургга йўл олди ва бутун вужуди билан яна революцион курашга киришиб кетди. У партиянинг VII Апрель конференцияси ва VI съезди ишида актив қатнашди.

1917 йил Октябрь ойида у қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилиш бўйича партия Ҳарбий-революцион марказининг аъзоси қилиб сайланди.

Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ унинг ажойиб ташкилотчилик қобилияти янада тўлароқ намоён бўлди. Яков Михайлович Тинчлик ва Ер тўғрисидаги дастлабки тарихий декретларни тайёрлашда актив қатнашди.

Шундан сўнг у Ишчи-деҳқон республикасининг биринчи президенти — Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети раиси қилиб сайланди. Свердлов бундай масъулиятли лавозимга сайланган вақтида 32 ёшдан сал ошган эди.

Н. К. Крупская бу тўғрида мана шундай хотирлаган: «Унинг номзодини Ильич таклиф қилган эди. Бу жуда муносиб номзод эди. Яков Михайлович жуда саботли ва матонатли киши эди. Совет ҳокимияти учун контрреволюцияга қарши курашда у катта хизмат қилди. Бундан ташқари янги типдаги давлатни ташкил этиш учун озмунча меҳнат талаб қилинмасди. Бунинг учун том маънодаги ташкилотчи одам ғоят зарур эди. Я. М. Свердлов шахсан ана шундай ташкилотчилардан ҳисобланарди», Айни вақтда у РКП(б) Марказий Комитетининг ташкилий фаолиятига ҳам раҳбарлик қилиб турди.

1918 йил 30 августда Ленинга қилинган суиқасддан сўнг партия ва давлат ишларининг бутун масъулияти Свердлов зиммасига тушди. Чунки бу вақтда Марказий Комитет аъзолари мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ёки фронтда эдилар. В. И. Ленининг секретари Л. А. Фотиева хотирлашича, Яков Михайлович Марказий Комитет ва Бутун Россия Ижроия Комитетидаги доимий ишлари билан бир қаторда Халқ Комиссарлари Советининг асосий масалалари билан шуғулланиб турди. Ильич бетоблиги вақтида Халқ Комиссарлари Советининг мажлисларига Свердлов раислик қиларди. Яков Михайлович шу пайтда кунига 2—3 соат бу ерга келиб, Владимир Ильич кабинетида ишлар эди.

1919 йилнинг 16 марти партия ва давлат учун оғир йўқотиш куни бўлди. Я. М Свердлов шу куни 34 ёшида, ижодий қобилияти барқ уриб турган бир вақтда вафот этди. Свердлов хотираси, деб ёзган эди Ленин, революционернинг ўз ишига содиқлигини кўрсатувчи абадий символ бўлибгина қолмай, у амалий сергаклик ва амалий маҳорат, омма билан чамбарчас боғланиш ва оммани йўлга сола билишда ҳам намуна кўрсатди.

Яков Михайлович Свердловнинг бутун ҳаёти ва революцион фаолияти ҳар бир коммунист, ҳар бир совет киши учун порлоқ намунадир. Унинг иши ҳам, номи ҳам абадий яшайди!

Х. УМАРОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ СУКАРНО КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ЖАКАРТА, 2 июнь (ТАСС). Индонезия Президенти Сукарно Индонезия Коммунистик партиясининг 45 йиллиги байрамида қатнашаётган КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегациясини бугун қабул қилди. Президент Сукарно билан совет меҳмонлари суҳбатлашдилар. Бу суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. Суҳбатда Индонезия ташқи ишлар министри Субандрио ва СССРнинг индонезиядаги элчиси М. Д. Ситенко ҳозир бўлдилар.

И. Т. НОВИКОВ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госстройининг раиси И. Т. Новиков Қоҳирага келди. И. Т. Новиков Бирлашган Араб Республикаси бўйлаб саёҳат қилади, баланд Асвон тўғонини ва Совет Иттифоқи билан ҳамкорликда қурилаётган бошқа корхоналарни бориб кўради.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

ВАРШАВА, 2 июнь. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги хабар беради: Польша Халқ Республикаси давлат сайлов комиссияси Польша Халқ Республикаси сеймига ўтказилган сайловларнинг натижаларини 1965 йил 1 июнда эълон қилди.

1965 йил 30 майда, дейилади ахборотда, бутун мамлакатда Польша Халқ Республикаси сеймига ва барча даражадаги халқ советларига сайловлар бўлиб ўтди.

Сеймга ўтказилган сайловларда 18.982.316 киши, яъни сайловчиларнинг 96,62 проценти қатнашди.

Халқ бирлиги фронти номзодлари учун 18.742.152 сайловчи (берилган барча овозларнинг 98,81 проценти) овоз берди.

БУ — ПЕЛЕНИНГ ЎРНИ

Бразилиядаги Бело Оризонт шаҳрида яқинда 150 минг томошабинга мўлжалланган улкан стадион қурилиши тугалланди. Бу стадион катталиги жиҳатидан Бразилияда иккинчи (Рио-Де-Жанейродаги машҳур «Маракан» стадионидан кейин), ва жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Унинг қурилиши учун 30 минг кубометр тупроқ, 210 минг қоп цемент ва 3500 тонна пўлат кетди.

Стадион директорининг махсус кўрсатмаси билан фахрли трибунадаги 10-номерли ўрин машҳур бразилия футболчиси Пеле учун ажратиб қўйилди. Пеле мамлакат терма командасида ана шу номер билан ўйнайди. У ўтирадиган жойда Пеле номи ёзилган ва унинг барча муваффақиятлари қайд қилинган тахтача туради. (АПН).

ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ХАНОЙ, 2 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда курашаётган вьетнам халқи билан бирдамлик халқаро касаба союз конференцияси очилди.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг президенти Ренато Битосси ўзининг кириш нутқида қуйидагиларни таъкидлади: америка империализми Вьетнамга қарши ошкора агрессия қилаётган кунларда Ханой конференциясининг чақирилиши бутун жаҳон касаба союзлари ва меҳнаткашларининг вьетнам халқи олиб бораётган адолатли кураш билан бирдам эканлигини исбот қилади.

Шундай кейин, Вьетнам Демократик Республикаси умумий меҳнат конфедерациясининг раиси Хоанг Куок Вьет табрик нутқи сўзлади.

Жанубий Вьетнам делегациясининг бошлиғи Чан Ван Тхань Жанубий Вьетнамни Озод Қилиш Миллий Фронти Марказий Комитети Президиуми раиси Нгуен Хиу Тхонинг, КПСС Марказий Комитети Биринчи Секретари Л. И. Брежневнинг, Корея Халқ Демократик Республикаси министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сенинг табрик телеграммаларини ўқиб берди.

Конференцияда Вьетнам Халқ Республикаси умумий меҳнат конфедерациясининг бош секретари Чан Зань Туен доклад қилди.

БОЛИВИЯДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, (ТАСС). Боливия ҳарбий хунтасининг бошлиғи генерал Рене Баррьентос бугун кончилар конларда яширинган касаба союз раҳбарларни ушлаб бермасалар, қўшинлар мамлакатдаги асосий конларни ишғол қиладилар, деб таҳдид қилди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Баррьентос яна бундай деган: менинг ҳукуматим кон ишчиларининг иш ҳақини анча қисқартириш ва қариб олти минг «ортиқча» ишчини ишдан бўшатишни кўзди тутган планни амалга оширишга қатъий қарор берди. Бу план Америка ва Ғарбий Германия монополияларининг иштироки билан тузилган эди.

Ҳозирги пайтда ҳукумат қўшинлари асосий конлар яқинида турибдилар. Бундан бир неча кун аввал ҳарбий маъмурлар билан иш ташлаган кон ишчилари ўртасида имзоланган яраш битими шартларига мувофиқ бу қўшинлар казармаларга қайтишлари керак эди. Аммо, рўй берган воқеалар ҳукуматнинг битим шартларини бажармаганлигини ва меҳнаткашларга ҳужумни кучайтириш учун яраш битимидан фойдаланганлигини кўрсатди. Ҳукумат ҳозирги вақтда шахтёрларнинг ўз қўлларидаги ҳамма қуроллларини топширишларини ва касаба союз ташкилотларининг асосий раҳбарларини ушлаб беришларини талаб қилмоқда.

Ишчилар маъмурларнинг талабларини қатъиян рад этмоқдалар.

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

ПАРИЖ, 2 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армияси ва партизан қисмлари яна бир катта ғалабага эришдилар. Франс Пресс Агентлиги мухбирининг хабар беришича, Плейку шаҳридан жануброқда партизанлар қурган учта пистирмада кеча қўғирчоқ ҳукуматнинг 200 га яқин солдати ва офицери ўлдирилди ва яралар қилинди ёки асир олинди.

Бундан икки кун олдин Куангнгай шаҳри районида партизанлар билан бўлган жангларда Сайгон қўғирчоқ ҳукумати қўшинларидан 400 дан ортиқ солдат ва офицер ўлдирилди ва дом-дараксиз йўқолди.

ГАМБИЯ РЕСПУБЛИКА БЎЛАДИ

ЛОНДОН, 2 июнь. (ТАСС). Гамбия парламенти вакиллар палатаси бош министр Дэвид Жаварнинг 1966 йил 18 февралда Гамбияни республика деб эълон қилиш ҳақидаги таклифини якдиллик билан маъқуллади. Гамбияда республика тузуми ўрнатилганидан кейин Гамбия британия миллатлар ҳамдўстлигининг аъзоси бўлиб қолади, деб хабар берди Рейтер агентлигининг мухбири Бетерстдан.

Гамбия ғарбий африкадаги кичик бир давлат бўлиб, 1965 йил 18 февралда мустақил бўлган эди. Ҳозирги вақтда инглиз қироличаси Гамбия давлатининг бошлиғидир. Мамлакатда генерал-губернатор қиролича номидан иш кўрмоқда.

ШВЕЦИЯ БОШ МИНИСТРИ Т. ЭРЛАНДЕРНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛИШИГА ДОИР

Совет Иттифоқи ҳукумати Швеция бош министри Т. Эрландерни Совет Иттифоқига ташриф этишга таклиф қилди. Швеция бош министри таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди.

Ўзаро келишувга мувофиқ Швеция бош министри 1965 йил 10—17 июнда Совет Иттифоқида бўлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДА

● СТОКГОЛЬМ. Стокгольм-Москва темир йўл алоқаси очилганлиги муносабати билан Швеция пойтахтининг марказий вокзалида жамоатчиликнинг жуда кўп вакилари иштирокида тантанали маросим бўлиб ўтди. Москва томон биринчи сафарга журналистларнинг катта группаси жўнаб кетди.

● ЛОНДОН. Англиянинг тинчлик учун таниқли курашчиси Бертран Рассел ва бошқа бир қанча прогрессив арбоблар «Гардиан» газетасида Португалиядаги Салазар режимининг зулмига қарши норозилик мактуби босиб чиқардилар. Мактуб авторлари Португалияда студентларга қарши амалга оширилаётган террор, вахшиёна муносабатларга жамоатчиликнинг эътиборини қаратадилар.

Москванинг 2-Внуково аэропортида совет граждан авиация техникаси намойиши ўтказилди. Суратда: «МИ-10» типидаги вертолётни кўриб турибсиз.

С. Преображенский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

БИЛДИРИШ

Бугун соат 6 да Бирлашган нашриётнинг Ленин хонасида Тошкент шаҳар ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Юқори синф ўқувчилари клуби**, 19.00 — **Здоровье** тележурнали, 19.50 — **Музикали календарь.**

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Унинг номзодини Ильич кўрсатган** (Я. М. Свердловга бағишланади), 21.05 — **Пиллачилар рапорти** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), — 21.35 — **Тириклар ва ўликлар** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.15 — **Бу китобларни ўқинг!** (болалар учун), 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Фортепьяно концерти.**

Рус тилида: 20.15 — **Тошкент янгиликлари**, 20.25 — **Менинг Витошам** (ҳужжатли фильм), 20.45 — **Яков Свердлов** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/VI да **Трубадур**, 5/VI да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/VI да **Сарқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (кишки бинода) — 4/VI да **Ўгил уйлантириш**, 5/VI да **Тошболта ошиқ.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 5, 6/VI кеч соат 9 да **Лирик куйлардан катта концерт.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Муҳаббатхон Мусаева, Муҳаммаджон Муҳамедов** ва солистлар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

Гражданлар диққатига!

30 майдан темир йўл поездларининг ёз даврида янги қатнаш жадвалининг жорий этилиши муносабати билан

шаҳар транспорти

ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА

ишлайди:

1, 8, 9, 12-трамвайлар, 1, 5, 9-автобуслар вокзалга эрталаб соат 6 да етиб келади ва тунги соат 12 яримгача ишлайди.

Вокзалдаги такси тўхташ жойидан автобуслар махсус рейс билан қуйидаги томонларга жўнайди:

Шота Руставели кўчаси бўйлаб Чилонзор массивигача (8-сектор):

Сквер орқали Пушкин кўчаси бўйлаб Оржоникидзе посёлкасигача:

Куйбышев шоссе бўйлаб Қўйлиқ посёлкасигача.

Таксилар сони ҳам кўпайтирилган. Вокзалда таксидан фойдаланиш масалаларида диспетчерга мурожаат қилинсин.

Вокзалга ёки аэропортга исталган вақтда енгил таксида бориш учун уни 3-14-03, 3-16-67 телефон орқали уйга ёки иш жойига чақириш мумкин.

Кундуз кунлари такси 15 минутда етиб келади. Олдиндан айтилган заявкага мувофиқ, таксининг тунги соат 12 дан эрталаб соат 7 гача юборилиши таъминланади.

Трамвай-троллейбус бошқармаси.

Тошкент шаҳар автотрести.

Сельмаш кўчаси, 6-уйда турувчи **Галина Александровна Леоновнинг** Циолковский кўчаси, 235-уйда турувчи Алексей Илларионович Лиходан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин районидаги «XXI партсъезд» совхозида турувчи **Юсуф Ҳамдамовнинг** шу ерда турувчи Қандал Ҳамдамова (Ашропова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Калинин район, Ҳасанбой қишлоқ советидаги Ильич номли колхозда турувчи **Танзила Файзуллаевانинг** Тошкент шаҳар, Чигатой кўчаси, Муҳокама проезда, 2-тупик, 7-уйда турувчи Убайдулла Файзуллаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Окружная кўчаси, 14-уйда турувчи **Муҳаммадсолиҳ Содиқович Шамсиев**нинг Моторная кўчаси, 32-уйда турувчи Турсунбиби Шамсиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 124-уй, 37-квартирада турувчи **Пўлат Раҳимжонович Раҳимбобоев**нинг шу квартирада турувчи Лидия Никандровна Мочалинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 25-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши бўлими — 26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02015. Индекс — 64969. Нашр. № 1774.